

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЖАМОЛИДДИНОВА ДИЛНОЗА МИРҲОЖИДДИНОВНА

БАДИИЙ МАТНДА ТЕРМИНЛАРНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ВА
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Филология доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

Оглавление автореферата диссертации доктора филологии (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (DSc)

Жамолиддинова Дилноза Мирхожиддиновна

Бадий матнда терминларнинг лингвопоэтик ва лингвокультурологик
хусусиятлари.....3

Жамолиддинова Дилноза Мирхожиддиновна

Лингвопоэтические и лингвокультурологические свойства терминов
литературного текста33

Jamoliddinova Dilnoza Mirhojiddinovna

Linguopoetic and lingvoculturological features of terms in a literary
text.....67

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....71

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЖАМОЛИДДИНОВА ДИЛНОЗА МИРҲОЖИДДИНОВНА

**БАДИИЙ МАТНДА ТЕРМИНЛАРНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ВА
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясидарақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Кўкон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб саҳифасининг www.tai.uz ҳамда «Ziyonet» ахборот таълим портали www.ziyonet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи

Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳакимов Муҳаммад Хўжахонович
филология фанлари доктори, профессор

Каримов Суён Амирович
филология фанлари доктори, профессор

Муҳамедова Саодат Худойбердиевна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 рақамли Илмий кенгашнинг 20... йил “...” соат даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (871)233-36-50, факс: (871) 233-71-44; e-mail: uztafi@academy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 700170, Тошкент шаҳри Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 202.... йил “___” _____ да тарқатилди.

(20.... йил “___” _____ даги рақамли реестр баённомаси).

Ш.Н.Кўчимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, филол.ф.д., проф.

Ғ.М.Исмаилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
филол.ф.н., катта илмий ходим

Д.С.Худайберганава

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, филол.ф.д., проф.

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон тилшунослигида дастлаб терминларнинг терминологик луғатлар яратишдаги ўрни ўрганиб келинган бўлса, кейинги йилларда, хусусан, XXI аср бошларидан тил тизимини когнитив, лингвокультурологик, прагмалингвистик, социолингвистик, психолингвистик тамойиллар асосида тадқиқ этишга эътибор кучайди. Лисоний тизим тил эгаларининг реал воқелик ҳақидаги билимлари, лисоний онги, миллий урф-одатлари, маънавияти, қадриятлари ва менталитетини акс эттирувчи кўп қиррали ҳодиса сифатида тавсифланган лингвистик тадқиқотлар юзага келди. Термин муаммоси ва унинг услубий мақоми масаласини ойдинлаштириш, соҳавий терминологиянинг лингвокультурологик талқинини яратиш, бадий матнда терминларнинг лингвопоэтик актуаллашуви муаммони ёритиш бугунги кунда асосий эътибор бериладиган жиҳатлардандир.

Дунё тилшунослигида лисоний бирликларнинг матний қуршовда намоён бўлувчи функционал-услубий ҳамда бадий-эстетик моҳиятини, шунингдек, уларнинг муайян лингвомаданият аъзоларининг дунёқараши, миллий тафаккури ва руҳияти билан узвийлигини ўрганувчи лингвопоэтика ва лингвокультурология йўналишларида тил бирликларининг инсон омили билан боғлиқ ҳолда юзага чикувчи хусусиятларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.. Терминлардаги лингвокультурологик вазифани антропоцентрик ёндашув тамойиллари асосида текшириш муаммоси эса хануз ўз ечимини топганича йўқ. Тил тадқиқига бундай ёндашувда, айниқса, когнитив, лингвокультурологик, социолингвистик аспектлардаги тадқиқотларга кенг ўрин бериларди. Ушбу йўналишларда амалга оширилаётган ишларда инсоннинг шахс сифатидаги хусусиятлари, у мансуб бўлган жамиятдаги миллий-маданий қадриятлар, ижтимоий, сиёсий ҳодисаларнинг тилда акс этиши муаммолари тадқиқ этилмоқда. Лисоний бирликларнинг контекст, нутқ вазияти, сўзловчи ва тингловчиларнинг ташқи олам ҳақидаги билимлари билан боғлиқликда ўрганилиши натижасида лисоний шахсга хос хусусиятларнинг тилда намоён бўлишига доир муайян илмий хулосалар шакллантирилди.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ маънавий-маърифий ислохотлар, маънавий камолот тарбияси масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Айниқса кейинги йилларда маънавият тушунчасининг асосида турувчи она тили ва уни ҳар томонлама ривожлантиришга эътибор бениҳоя кучайди. “Глобаллашув шароитида миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, уларнинг бир хил қўлланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди”¹. Ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш борасидаги бу талаб ўзбек тили коммуникатив ва семантик-лексик сатҳидаги

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи //Халқ сўзи, 2019 йил, 22 октябрь.

миллий-маданий семага ҳамда поэтик юкка эга бўлган терминларнинг бадий матндаги лингвопоэтик ва лингвокультурологик хусусиятларини тавсифлаш каби антропоцентрик парадигмада илмий тадқиқотларни янада кенгайтириш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш, чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.² Тилшуносликда терминларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг лингвокультурологик жиҳатлари, семантикаси ва прагматикасига бағишланган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида кенг кўламда тадқиқ этилмоқда, жумладан, Манхейм университети (Германия); Калифорния университети, Гарвард университети (АҚШ), Москва семантика мактаби (Россия); Соузгемптон университети (АҚШ); Оксфорд университети (Англия); Колорадо университети (АҚШ); Воронеж педагогика университети (Россия); Ўзбекистон миллий университети, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Кўкон давлат педагогика институти (Ўзбекистон).

Дунё тилшунослигида терминлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқига оид илмий изланишлар натижасида терминологиянинг тил тизимидаги ўрни, терминларнинг ясалиши ва бадий асарларда қўлланилиши (Гарвард университети, АҚШ); уларнинг прагматик аспекти ва терминологик лексиканинг стилистик функцияси (Колорадо университети, АҚШ); ҳуқуқий ва маъмурий тилдаги терминологик турланиш, сўзлашув нутқида терминларнинг қўлланилиши (Манхем университети, Германия);

² www.dissercat.com, www.philol.msu.ru, www.myfilology.ru/semantika/moskovskaya-semanticheskaya-shkola, www.ucla.edu, www.harvard.edu, www.mannheim.de, www.msu.ru, www.usyd.edu.au, www.vspu.ac.ru, www.umn.edu, www.berkeley.edu, www.academia.edu, www.udsu.ru; www.pi.sfedu.ru, www.bsu.ru, www.libguides.usc.edu, www.diva-portal.org, www.education.com, www.ox.ac.uk, www.colostate.edu, www.csun.edu

терминларнинг лингвокультурологик хусусиятлари (Москва семантика мактаби, Россия); илмий терминларнинг бадий услубда қўлланилиши (Россия Фанлар академияси Бутунроссия илмий-техника ахборот институти, Россия) терминларнинг шеърий асарлардаги хусусиятлари таҳлил қилиб берилган (Ўзбекистон миллий университети); терминларнинг ономасиологик хусусиятлари (Брянск давлат университети); терминларнинг семасиологик ва лексикографик талқини (Тюмень давлат университети); терминларнинг лингвопоэтик ва лингвокультурологик хусусиятлари (Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти) тилшуносликда изчил ўрганилаётгани эътиборга молик.

Жаҳон тилшунослигида бугунги терминология соҳасида, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: терминларнинг лексик-семантик тадқиқи; терминларни матний қуршовда тадқиқ этиш; терминларнинг бадий матндаги хусусиятлари; терминларнинг лингвокультурологик жиҳатлари; илмий терминларнинг услублараро хосланиш имкониятларини ёритиш; терминларни ономасиологик жиҳатдан тадқиқ қилиш; терминларнинг семасиологик ва лексикографик талқини; терминларни антропоцентрик жиҳатдан ўрганиш; юридик терминларнинг семантикаси; ҳарбий терминларнинг лингвопоэтик хусусиятлари; психологик терминларнинг бадий матндаги имкониятлари; терминларнинг илмий-фантастик асарлардаги хусусиятлари; газета тилининг терминлари; рус ва инглиз тилидаги терминларнинг қиёсий таҳлили; қурилиш терминларининг лингвистик хусусиятлари; иқтисодий терминларнинг ибораларни хосил қилишдаги роли.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маълумки, тилшуносликда соҳа атамаларининг турли жиҳатларини ёритишга доир анчагина изланишлар олиб борилган. Г.О.Винокур, Д.С.Лотте, А.А.Реформатский, О.С.Ахманова, В.П.Даниленко, А.В.Суперанская каби тилшунослар терминология ривожига муносиб ҳисса қўшдилар.³ Ўзбек терминологиясида ўтган асрнинг 50-йилларидан кейин қатор салмоқли илмий ишлар амалга оширилди. С.Иброҳимов, С.Усмонов, С.Акобиров, А.Ҳожиёв, Н.Маматов, Р.Дониёров, А.Мадвалиев каби тилшуносларнинг тадқиқотларини бу соҳада олиб борилган самарали ишлар сифатида қайд этиш мумкин.⁴ Шу билан бирга,

³ Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии//Труды МИФЛИ. Т.5. Сборник статей по языковедению. – М., 1939. – С.3-54; Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии. – М.,1961; Лотте Д.С. Как работать над терминологией. Основы и методы. – М., 1968; Лотте Д.С. Вопросы заимствования и упорядочения иноязычных терминов и терминологических элементов. – М.: Наука, 1982; Реформатский А.А. Что такое термин и терминология?//Вопросы терминологии. – М., 1961. – С.46-54; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. Изд. 2. – М.: Советская энциклопедия, 1969; Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. – М.: Наука, 1977; Суперанская А.В., Подольская Н.В., Васильева Н.В. Общая терминология. Вопросы теории. – М.: Наука, 1989.

⁴ Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси. I. – Тошкент: Фан, 1956; Акобиров С.Ф. Тил ва терминология. – Тошкент, 1968; Шу муаллиф. Терминология ишининг мазмуни ва вазибалари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Тошкент, 1964. – № 3. – Б. 31-38; Усмонов С. Ўзбек терминологиясининг баъзи масалалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1968; Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. – Тошкент: Фан, 1977; Шу муаллиф. Ўзбек тилининг илмий-техникавий терминлари тарихидан. – Тошкент: Фан, 1979; Маматов Н. Ўзбек пахтачилик терминологияси:

Ўзбек тили лексикаси масалалари «Ҳозирги ўзбек адабий тили»⁵, «Ўзбек тили лексикологияси»⁶ каби тадқиқотлар ва дарсликларда ҳам ўз ифодасини топган.

Мустақиллик йилларида терминларга хос хусусиятларни янги аспектда тадқиқ қилиш кўзга ташланади. Жумладан, И. Пардаева, Н.Усмонов, З. Исақова, З.Мирхолиқов, Ғ. Исмаилов, А.Тўрахожаева каби тилшуносларнинг номзодлик ишларида соҳалар терминологиясининг ўзига хос лисоний хусусиятлари ўз аксини топган.⁷ Ўзбек тилшунослигида терминларнинг бадий матнда қўлланиш хусусиятларига дастлаб Ҳ.Шамсиддинов эътибор қаратди. Унинг номзодлик диссертациясида шеърини нутқда терминларнинг услубий вазифалари ҳамда терминлар функционал-семантик синонимларининг қўлланиш хусусиятлари ўрганилган.⁸ Аммо, таъкидлаш лозимки, тилшунослигимизда шу вақтга қадар терминларнинг бадий матндаги хусусиятлари лингвопоэтик ёндашувда, шунингдек, матний қуршов доирасида ўрганилмаган, уларнинг бадий матнда намоён бўлувчи антропоцентриқ, жумладан, лингвокультурологик жиҳатлари монографик аспектда тадқиқ қилинмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қўқон давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасига биноан «Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тили бадий матнидаги терминларнинг лингвопоэтик ва лингвокультурологик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

термин муаммоси ва унинг услубий мақоми масаласини ойдинлаштириш;

соҳа терминларининг лингвокультурологик талқинини бериш;

бадий матнда терминларнинг лингвопоэтик актуаллашуви муаммоларини ёритиш;

соҳа терминларининг бадий матнда услубий хосланиш хусусиятларини тадқиқ этиш;

Филол. фан. номз.дисс. ...автореф. – Тошкент, 1995; Ҳожиёв А. Термин танлаш мезонлари. Ахборот. 11 – 12-чиқарув. – Тошкент: Фан, 1996; Мадвалиёв А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017.

⁵ Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili – Toshkent: Universitet, 2006.

⁶ Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981.

⁷ Пардаева И. Ўзбек тилининг заргарлик терминологияси: Филол. фан. номз.дисс. ... автореф. – Тошкент, 1994; Усмонов Н. Ўзбек тилининг педагогик терминологияси: Филол. фан. номз.дисс. ... автореф. – Тошкент, 1994; Исақова З. Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асаридаги ижтимоий-сиёсий лексика: Филол. фан. номз.дисс. ... автореф. – Тошкент, 2010; Мирхолиқов З. Ўзбек тилида балиқ номларининг луғавий-маъновий ва грамматик хусусиятлари: Филол. фан. номз.дисс. ... автореф. – Тошкент, 1990; Исмаилов Ғ. Ўзбек тили терминологик тизимларида семантик усулда термин ҳосил бўлиши: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2011; Тўрахожаева А. Мустақиллик шароитида ўзбек тили ижтимоий-сиёсий лексикасининг тараққиёти: Филол. фан. номз.дисс. ... автореф. – Тошкент, 2012.

⁸ Шамсиддинов Х. Термины в художественной речи: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Ташкент, 1984.

терминларнинг бадий тасвирда хилма-хил поэтик мақсадларнинг рўёбга чиқишида иштирок этишини лингвопоэтик ёндашувда аниқлаш;

ўзбек тили бадий матнидаги терминларнинг лингвопоэтик ва лингвокультурологик хусусиятларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек тилидаги Асқад Мухтор, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, О.Ёқубов, Ў.Ҳошимов, Тоҳир Малик, Эркин Аъзам, Ш.Холмирзаев, Хуршид Дўстмуҳаммад каби ёзувчиларнинг насрий асарларидан олинган, таркибида соҳа терминлари ва касб-хунар лексикаси мавжуд бўлган бадий матнлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек тилидаги бадий матнларда қўлланган терминлар ва касб-хунар лексикасининг лингвопоэтик ва лингвокультурологик хусусиятлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, лингвопоэтик валингвомаданий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилидаги аниқ ва табиий фанлар ҳамда ижтимоий-гуманитар фанлар терминларининг, шунингдек, касб-хунар лексикасининг матнда услубий хосланган ҳолда муайян поэтик-эстетик мақсадларда қўлланиши ва матннинг бадий қимматини оширишга хизмат қилиши аниқланган;

терминларни матн таркибида таҳлил қилиш уларнинг матний қуршовда намоён бўлувчи семантик-структур, мантиқий ва бадий-эстетик моҳиятини, бошқа нутқ услубларига хосланиш хусусиятларини аниқлашга имкон яратиши, шу сабабли мазкур бирликларни фақат гап доирасида эмас, матн доирасида ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлиги асосланган;

терминлар ва касб-хунар лексикаси тил эгаларининг лисоний онги ҳосиласи сифатида бадий матнда лингвомаданий қимматга эга бўлиши, шунингдек, мазкур соҳалар бўйича жамоа онгида шаклланган концептларнинг лисоний ифодачиси сифатида бадий матнда поэтик тус олиб воқеланиши исботланган;

бадий матнда қўлланган илмий терминлар ҳамда касб-хунар лексикаси орқали муайян концептнинг воқеланишига хос миллий-маданий семалари ва унинг бадий матндаги поэтик мақоми антропоцентрик қарашлар асосида кўрсатилган;

бадий матнда терминларнинг лингвопоэтик моҳият касб этиши ва уларнинг поэтик-эстетик қиммати, қаҳрамон нутқининг ўзига хос хусусиятини кўрсатиш воситаси сифатида комик тасвирни яратишга хизмат қилиши матний қуршов доирасида аниқланган;

касб-хунар лексикаси ва терминлар ҳам бошқа луғавий бирликлар сингари метафорик мазмун касб этиб, ёзувчининг индивидуал-бадий услубини шакллантирадиган, бадий матннинг эмоционал-экспрессивлигини таъминлайдиган тил бирлиги эканлиги кўрсатилган;

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

терминларнинг структур-синтактик, коммуникатив ва лингвопоэтик моҳияти матнда аниқ намоён бўлиши, шунинг учун уларни гап доирасида эмас, балки матн доирасида ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлиги асосланган;

аниқ ва табиий ҳамда ижтимоий-гуманитар фанлар терминосистемаларининг бадиий матндаги лингвопоэтик имкониятларининг қиёсий таҳлили бир қатор ўзига хос жиҳатларни намоён қилиши далилланган;

терминлар бадиий матнда поэтик актуаллашиш имконияти жуда катта бўлган лексик воситалар эканлиги, асар қаҳрамонларининг нутқини индивидуаллаштириш воситаси сифатида алоҳида аҳамият касб этиши илмий жиҳатдан исботланган;

терминларнинг эпитет сифатида қўлланиши, бадиий ўхшатишларни яратишдаги иштироки, бадиий матндаги метафорик имкониятлари бениҳоя катта ва ранг-баранг эканлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таркибида соҳа терминлари мавжуд бўлган бадиий матнлар тилшуносликнинг замонавий таҳлил усуллари воситасида тадқиқ этилганлиги, назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилганлиги, хулосаларнинг замонавий лингвистик таҳлил методлари орқали асосланганлиги, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, мавзунинг жаҳон тилшунослигининг устувор илмий концепциялари асосида ўрганилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тилидаги лисоний бирликларнинг услубий-семантик, лингвокультурологик ва лингвопоэтик хусусиятларига доир мавжуд илмий-назарий қарашларни илмий терминларга лингвокультурологик ва лингвопоэтик ёндашув каби янги билимлар билан бойитишга ҳамда бадиий матнда қўлланган терминларнинг лингвопоэтик ва лингвомаданий хусусиятларини аниқлашда назарий асос вазифасини ўташи билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти антропоцентрик тилшуносликка оид дарслик, ўқув қўлланмаларини яратишда, олий ўқув юртлари филология йўналишида «Лексикология», «Стилистика», «Нутқ маданияти», «Лингвопоэтика», «Бадиий матннинг лингвистик таҳлили» фанлари бўйича маъруза, семинар машғулотларини ташкил қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бадиий матндаги терминларнинг лингвопоэтик ва лингвокультурологик тадқиқи натижалари асосида:

терминлар орқали тилда концептнинг воқеланиш муаммоси ва унинг бадиий матндаги услубий мақоми ҳақидаги хулосалардан «Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўзбек тили фанлари ўқитишнинг инновацион методлари» мавзусидаги 7.2.1 рақамли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлигининг 2020 йил 7 октябрдаги 89-03-3741-сон маълумотномаси) Натижада лойиҳа терминларнинг услубий мақоми ва бадиий матн қуршовида намоён бўлувчи семантик-структур хусусиятлари, нутқ услубларига хосланиши каби янги маълумотлар билан бойиган;

бадиий матнда терминларнинг поэтик актуаллашиш қонуниятлари, асар қаҳрамони руҳий ҳолатини аниқ ифодалаш воситаси бўла олиши ҳақидаги хулосалардан ХТ-Ф2-013 рақамли ”Умумий ўрта таълим мактаблари амалий психологлари фаолиятини такомиллаштиришнинг фундаментал асослари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 октябрдаги 89-03-3741-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа психологик терминларнинг тавсифи ҳамда тилда психологик терминлар орқали концептнинг воқеланиши асосида янада мукамал бўлишига эришилган;

аниқ ва табиий фанлар терминосистемалари ҳамда ижтимоий-гуманитар фанлар терминосистемаларининг бадиий матндаги стиллаштириш имкониятлари ҳақидаги хулосалардан ModeHED «Институт, университетларда соғлиқни сақлашга оид фанларни модернизациялаш» халқаро лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 октябрдаги 89-03-3741-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа терминларга доир янги илмий далиллар ҳамда аниқ ва табиий фанлар терминосистемаларининг шаклланишига доир илмий маълумотлар билан бойитилган;

бадиий матндаги терминларнинг лингвопоэтик ҳамда миллий-маданий хусусиятлари, улардан ўринли фойдаланиш хусусидаги хулосалардан Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston» радиоканалининг эшиттиришлари сценарийсида фойдаланилган (Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг 2020 йил 12 октябрдаги 04-25-945-сон маълумотномаси). Натижада тайёрланган материаллар мазмуни эшиттиришларнинг холис ёндашув асосида тайёрланишига, тилнинг инсон омили билан боғлиқликда ўрганилишига, тил бирликларининг нутқий имкониятлари, инсон онгида ва дунёқарашида тил дунёсининг аксиологик манзарасини белгилашга доир илмий, амалий ва методологик ғояларнинг кенг жамоатчиликка етказилишига имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро, 16 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 10 таси республика ҳамда 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Иш кириш, тўрт боб, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 210 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, унинг натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг 1- боби **“Термин, унинг моҳияти ва тил тизимидаги ўрни”** деб номланиб, унда терминологик лексиканинг тизим сифатидаги хусусиятлари, термин ва сўз муаммоси, термин ва касб-ҳунар лексикасининг муштарак ва фарқли жиҳатларига эътибор қаратилган.

Бобнинг биринчи бўлими **“Терминологик тизим хусусиятлари”** деб номланган. XIX аср охири ва XX аср бошларида шаклланган систем-структур тилшунослик тилни бир бутун тизим сифатида баҳолаб, тилга хос хусусийлик ва алоҳидаликларни ажратиш, уларни бир-бирига қиёслаш ҳамда энг умумий белгиларни аниқлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бундай ёндашувда терминологиянинг ҳам тизим эканлиги тилшунос олимларда ҳеч қандай эътироз туғдирмади. Рус тилшунослигида биринчи бўлиб Д.С.Лотте⁹, сўнгра В. П. Даниленко¹⁰, Т.Л.Канделаки¹¹, В.М.Лейчик¹², Б.Н.Головин¹³, Р.Кобрин¹⁴ терминологияни яхлит тизим сифатида ўрганди. Н.В.Васильева терминология таркибида лингвистик терминологияни ажратиб, уни **“системалар системаси”** сифатида тадқиқ этди.¹⁵ Е.А.Куликованинг таъкидлашича, тизимлилик терминологик лексиканинг асосий белгисидир¹⁶.

Ўзбек тилшунослигида А.Ш.Собиров ҳам лексикологияни **“системалар системаси”** тамойили асосида тадқиқ қилган.¹⁷ Эътироф этиш жоизки, ўтган асрнинг 70-80-йилларидан бошлаб ўзбек тилшунослигида анъанавий

⁹Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии: Вопросы теории и методики. – М., 1961.

¹⁰ Даниленко В.П. Русская терминология: Опыт лингвистического описания. – М., 1977.

¹¹ Канделаки Т.Л. Семантика и мотивированность терминов. – М., 1977.

¹² Лейчик В.М. Языки для специальных целей – функциональные разновидности современных развитых национальных языков // Общие и частные проблемы функциональных стилей. – М., 1986.

¹³ Головин Б.Н., Кобрин Р.Ю. Лингвистические основы учения о терминах. – М., 1987.

¹⁴Кобрин Р.Ю. Лингвистическое описание как база концептуального моделирования в информационных системах: Дисс. ... док. филол. наук. – Горький, 1989.

¹⁵ Суперенская А., Подольская Н.В., Васильева Н.В. Общая терминология. Вопросы теории. – М.: Либроком, 2012.

¹⁶ Куликова И.С., Салмина Д.В. Введение в металингвистику (системный, лексикографический и коммуникативно – прагматический аспекты лингвистической терминологии). – СПб.: Сага, 2002. – С. 16.

¹⁷ Собиров А.Ш. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. – Тошкент: Маънавият, 2004.

тилшунослик ютуқларига таянган ҳолда объектни системавий ўрганишга ҳаракат бошланди. Ана шу ҳаракат туфайли ўзбек тилининг фонологик, морфологик, синтактик сатҳлари қаторида унинг лексик сатҳини ҳам систем-структур аспектда тадқиқ этишга бағишланган асарлар майдонга келди.¹⁸

Система атамасига берилган тавсифлар асосида қайд этиш мумкинки, ўзбек тили терминологик тизими яхлит система сифатида қуйидаги хусусиятларни намоён қилади:

1. Терминологик тизим тилда ўзининг барқарор ўрнига эга бўлиб, тил тизимидаги бошқа бирликлар билан ўзаро чамбарчас боғлиқ.

2. Терминологик тизим очиқ тизимдир. Чунки у тизимга кириб келган янги терминларга хос хусусиятларни ҳам ўзида намоён қилади.

3. Терминологик тизим бутунлик сифатида ички бўлинувчанлик хусусиятига эга. Уни кўплаб кичик тизимларга ажратиш мумкин. Терминологик тизимнинг бу хусусияти унинг дискретлик белгисига эгаллигини кўрсатади.

4. Терминологик тизим элементлари бир-бири билан иерархик муносабатда бўлади. Иерархиядаги бирор элемент тушиб қолгудек бўлса, мувозанат бузилади ва тизим парчаланadi.

5. Терминологик тизимда уни ташкил қилган элементлар орасида бутун-бўлак, жинс-тур муносабати ҳам шаклланиши мумкин.

6. Терминологик тизимнинг энг муҳим жиҳатларидан яна бири субстанционалликдир. Терминологик тизимда ҳам диалектиканинг умумийлик-хусусийлик, моҳият-ҳодиса, имконият-воқелик категориялари ўз аксини топади.

Терминологик тизимда илмий терминлар асосий ўринни эгаллайди. Илмий терминология ҳам ички бўлинишга эга: 1) аниқ тушунчаларни англатувчи терминлар микротизими; 2) мавҳум тушунчаларни англатувчи терминлар микротизими.

Лингвистик терминология (лот. *terminus* – чегара, *logos* – таълимот) тилшунослик фани доирасида махсус лингвистик тушунчаларни ифодалаш учун қўлланилувчи сўз ва бирикмалар мажмуидир. Лингвистик терминлар лингвистик метатилни ҳосил қилади. Тил объекти ва метатил ўзаро муносабатда, улар бир-бирига тўла мос келади, яъни ташқи томондан бир тилнинг ўзидир. Айни пайтда тилдаги сўзлар метатилда махсуслаштирилганлиги, метатилдаги айрим сўзларнинг тил – объектда умуман қўлланилмаслиги ҳам кузатилади.

Тилшуносликда *терминосистема* атамаси кенг қўлланилади. Бу атаманинг кенг ва тор тушунилиши кузатилади. Кенг маънода терминосистема ҳар қандай терминларнинг йиғиндиси сифатида тушунилса, тор маънода коррекциядан ўтган, танланган терминлар мажмуини англатади. Бизнингча, *терминосистема* атамасини кенг маънода тушунмоқ керак, чунки бу бутунлик ўзаро шартланган ва бир-бирини тақозо қилувчи элементлар

¹⁸Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995; Собиров А. Кўрсатилган асар.

йиғиндисидир. Демак, терминологик тизим тил тизими ичига кирувчи, унинг бошқа микроtizимлари билан чамбарчас алоқага киришувчи бутунлик саналади. Ўз навбатида, унинг ўзи ҳам дискретлик (бўлинувчанлик) хоссасига эга тизимдир. Шу билан бирга терминологик тизим элементлари ўзаро ва тил тизимининг ўзи билан алоқадорликда ҳаракат қилади.

Бобнинг иккинчи бўлими **“Термин ва сўз муносабати”** деб номланган. Маълумки, махсус лексиканинг асосий қисмини терминлар ташкил қилади. Рус тилшуноси З.И.Евлова терминга шундай таъриф беради: “Термин – тил бирлиги бўлиб, сўз ёки сўз бирикмаси орқали ифодаланадиган, маълум системани ташкил қиладиган, функционал аҳамиятга эга, аниқ илмий ёки ишлаб чиқариш соҳасида конвенцион яратиладиган, потенциал стандартланган тилнинг лексик системаси элементи”¹⁹. Термин ҳақидаги яна бир эътиборга молик таъриф В.М.Лейчик томонидан айtilган: “Термин – махсус илм ёки фаолиятда конкрет ёки мавҳум назарий тушунчаларни ифодаловчи, маълум тилнинг махсус мақсадда ишлатиладиган лексик бирлиги”²⁰.

“Ўзбек тили лексикологияси” монографиясида терминларнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагилар кўрсатилган: “терминлар истеъмол доираси чегараланган маънода ишлатилади, эмоционал-экспрессив функциялардан холи бўлади, номинатив вазифани бажаради, бир неча соҳанинг термини бўла олади, муайян терминологик системада бир маънога эга бўлади, муайян соҳа, касб кишилари томонидан махсус қабул қилинган ва расмийлаштирилган ва, албатта, меъёрлаштирилган бўлади.”²¹.

Терминлар ва сўз ўртасидаги фарқли хусусиятлар сифатида А.Мадвалиев қуйидагиларни келтиради: ”Терминологик тизимларнинг ривожланиши бевосита фан тараққиёти билан бирга кечади. Бундан ташқари, умумистеъмолдаги сўзлардан фарқли равишда илмий ва амалий муомалага онгли равишда олиб кирилади. Терминлар пайдо бўлмайди, балки уларга зарурат сезилганда ўйлаб топилади, ижод қилинади.”²²

Терминлар ва умумистеъмол сўзлари муносабати ҳақида билдирилган юқоридаги хулосаларни қуйидагича умумлаштириш мумкин: 1) терминлар умумистеъмол сўзлари каби семантик ва шаклий белгиларга эга; 2) терминлар сўзлар каби тилнинг лексик тизими таркибига кирса-да, муайян мақсад учун ишлатиладиган махсус лексикасида фаолият кўрсатади; 3) терминлар махсус мақсад учун мўлжалланган тил лексикасида муайян илм-фан, фаолият соҳасига оид тушунчаларни ифодалаш воситаси бўлиб хизмат қилади; 4) терминлар терминологик тизим элементи ҳисобланиб, илм-фан, фаолият соҳаларининг назарий аспектини ўзида акс эттиради.

Англашиладики, терминлар ҳам сўзлар каби маълум бир тушунчани англатади, аммо сўзлардан фарқли тарзда бирикма ҳолатида ҳам шаклланади. Аммо айрим умумистеъмолдаги сўз ёки сўз бирикмаси маълум нутқ

¹⁹Евлова З.И. Русская лингвистическая терминология в эволютивном аспекте: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Нальчик, 2006. – С.8.

²⁰Лейчик В.М. Терминоведение. Предмет, методы, структура. – М., 2009. – С. 31.

²¹Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.28

²²Мадвалиев А. Кўрсатилган асар. – Б. 28.

вазиятида терминологик маъно касб этиб, терминга ўтиши ҳам мумкин. Уларнинг умумий томонлари бўлса ҳам, термин ва сўз айнан бир нарса эмас.

1-бобнинг учинчи бўлимида “*Термин ва касб-хунар лексикаси: муштарак ва фарқли жиҳатлар*” хусусида фикр юритилди.

Тилшуносликда *профессионал сўзлар, касб-хунар лексикаси* (С.Иброҳимов²³), *сўз-терминлар* (Т.Т.Дадахонова²⁴, Н.Икромова²⁵) деб аталиб келинган сўзлар касб-хунар терминлари ҳисобланади. Шу сабабдан кейинги давр тадқиқотларида касб-хунар лексикаси *термин* деб аталмоқда.

Ўзбек тилидаги касб-хунар лексикасини тўплашга биринчи бўлиб таниқли тилшунос С.Иброҳимов киришган. У касб-хунарга оид сўз-терминларни тўплаб лингвистик жиҳатдан таҳлил қилди ва махсус луғатни яратди²⁶.

“Ўзбек тили лексикологияси” китобида касб-хунар лексикаси билан терминологик лексиканинг қуйидаги фарқлари келтирилган:

“1. Терминлар фан ва техника, саноат, қишлоқ хўжалиги каби маълум соҳага доир расмий тушунча номидир. Касб-хунар лексикаси эса маълум касб-хунар кишилари орасидагина қўлланиладиган сўзлардир.

2. Термин ҳар қандай тушунчанинг аниқ атамаси сифатидагина эмас, балки илмий тушунчани ифодаловчи восита сифатида асосан ёзма шаклда майдонга келади. Касб-хунар лексикаси эса кўпинча маълум касб-хунар кишилари орасида оғзаки нутқ (сўзлашув) жараёнида пайдо бўлади.

3. Терминлар фан ва техниканинг умумжаҳон, умумдавлат миқёсидаги ривожланишига боғлиқ ҳолда кенг мазмунга эга бўлса, касб-хунарга оид сўзлар маълум маҳаллий чегарада ва биргина касб-хунарга мансуб бўлган аҳолининг кичик гуруҳидагина қўлланади. Шунинг учун ҳам касб-хунар лексикасининг диалектал вариантлари ҳам мавжуд”²⁷.

Тилшунос олим С.Усмонов ўтган асрнинг 60-йилларида касб-хунар лексикасининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида шундай фикрни билдирган эди: “Касб-хунар лексикаси ҳозирги турмушда ишлаб чиқаришнинг асосий йўналиши, тури бўлган предметларни эмас, балки унутилиб кетган ёки унутилиб бораётган ўтмишнинг тарқоқ ва кучсиз, ҳозирги саноат имкониятлари олдида қолаётган бўлган ишлаб чиқариш қуроллари, ишлаб чиқариш жараёнлари номларидан иборатдир”²⁸. Аммо бугунги тилшунослик нуқтаи назаридан касб-хунар лексикасига ўз моҳиятига кўра тарихий сўзлар қаторига кирган, унутилиб бораётган сўзлар эмас, ривожланаётган, янгиланаётган, замон талабига мос ишлаб чиқаришга оид тушунчаларни билдирувчи терминлар сифатида қаралади.

²³ Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1956.

²⁴ Дадахонова Д. Чеварчилик лексикасига оид баъзи бир сўз-терминлар ҳақида// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1963. – №1. – Б. 33-36; Икромова Н. Таом номларини ифодаловчи сўз-терминлар ҳақида// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1964. – №4. – Б. 28-31.

²⁵ Икромова Н. Кўрсатилган мақола – Б. 29.

²⁶ Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси. – Тошкент, 1969.

²⁷ Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.32.

²⁸ Усмонов С. Ўзбек терминологиясининг баъзи масалалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1968. – Б.16.

Касб-ҳунар лексикаси ҳам, терминлар ҳам махсус лексика таркибига киради. Касб-ҳунар лексикаси термин мақомида қуйидаги хоссаларга эга: 1) касб-ҳунар терминлари ҳам терминологик тизимга киради ва унинг компоненти ҳисобланади; 2) терминологик тизим ичида касб-ҳунар терминлари жинс-тур (гипер-гипонимик) ва бутун-бўлак (партонимик, холомеронимик) муносабатда бўлади. Масалан, полизчилик соҳасида: *кўкча* гипероними ўз ичида *қора кўкча*, *эгри кўкча*, *узун кўкча*, *қўқон кўкча* гипонимларини бирлаштиради; 3) тузилиши жиҳатидан бошқа терминларга ўхшаб содда, қўшма ва мураккаб (сўз бирикмаларига тенг бўлган терминлар) бўлади. Масалан, боғдорчилик соҳасида: *Самарқанд моҳтоби*, *Тошкент кальвили*, *Ўзбекистон мускати* кабилар; 4) таркибида бошқа тилдан кирган сўзлар мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, тўқувчилик соҳасида форс-тожикча *авра*, *адрас*, *калава*, *касана*, *кимхоб*, *андаза*, *анжом*, *зар*, *банд*, *астар*; арабча *алвон*, *атлас*, *зийнат*, *акбар*; русча *газ*, *майя*, *маркизет*, *нейлон* сўзлари бунга мисол бўла олади; 5) трансформацияга учрайди. Масалан, тўқувчилик соҳасидаги *зардўз* – *тилладўз* терминлари ўзбек тилига трансформацияланган.

Хулоса қилиб айтганда, термин ва касб-ҳунар лексикаси интеграл белгилари билан бир умумийликка бирлашса, дифференциал белгилари билан алоҳида хусусийликларни ташкил қилади. Уларнинг интеграл белгилари шуки, улар ҳар иккаласи махсуслаштирилган лексикага киради, сўз ёки сўз бирикмаси орқали ифодаланади, функционал аҳамиятга эга, маълум фан, касб доирасида моносемикликка интилиш тенденциясига эга, аниқ илмий ёки ишлаб чиқариш соҳасида конвенцион яратиладиган предметни аниқ ифодалаш учун хизмат қилади.

1-бобнинг тўртинчи бўлими **“Терминлар қаҳрамон нутқини индивидуаллаштириш воситаси сифатида”** деб номланган.

Ижодкор бадиий асар яратар экан, тилнинг махсус бирликларидан, шу жумладан, терминлардан ҳам қаҳрамонларнинг нутқини индивидуаллаштиришда унумли фойдаланади. Ёзувчи қаҳрамоннинг қиёфасини китобхон кўз ўнгида тўлақонли гавдалантириш учун унинг нутқида ўзига хос тарзда терминларни қўллайди. Буни маҳоратли адиб А. Мухторнинг “Бўронларда бордек ҳаловат” номли асари мисолида ёритишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, адиб бу асарини кончилар ҳаётига бағишлаб ёзган. Маҳоратли адиб асарнинг бош қаҳрамони Заргаровнинг ички руҳий оламини терминлар воситасида поэтик тасвирлашга ва шу орқали унинг нутқини индивидуаллаштиришга эришган:

– *Участкада кимнингдир бепарволиги билан диаметрик икки хил қувурлар пайвандлаб кетилаверган экан. Бири кенгроқ, бири торроқ...*

– *Фотима билан бизнинг авариямиз ҳам шунга ўхшамайдими? Заргаровнинг елкасига туртиб қўйди.*

– *“Водопроводчи!” Жуда топдинг, лекин! – деди завқ билан.*

Ушбу матнда қўлланган *диаметрик қувурлар*, *пайвандламоқ*, *авария* терминлари Заргаровнинг касб-кори ҳақида умумий тасаввур уйғота олади.

Водопроводчи термини эса унинг рухий ҳолати (қувончи) ҳақида маълумот беради.

Асарнинг жуда кўп ўринларида ёзувчи Заргаровнинг феъл-атвори ва кифасини китобхон кўз ўнгида жонлантириш учун прагматик юкни терминларга юклаган. Шу орқали қаҳрамоннинг характери ва нутқининг ўзига хос хусусиятларини очиб берган. Адиб асарда, айниқса, *калибр* терминидан турли тағмаъноларни ифодалашда муваффақиятли фойдаланган: 1. –... *калибр*, *миқёс*. *У катта гап*. – *Ҳазиллашманг. Нима деганингиз? – Ҳазилинг нимаси? Калибр масаласи ҳам жуда катта гап, мен сенга айтсам*. 2. *Биласанми, Сангиновлар ишчан одам, лекин калибри бўлак. Ҳар кимнинг ўз объекти, ўз плани, ўз маъсулияти*. 3. *Сенинг калибринг ҳақиқатан ҳам катта. Сен оламдаги андозаларга сизмайсан. Ҳеч қайси жиҳатдан ҳатто, мана ... муҳаббатга ҳам*.

Юқорида келтирилган ва тадқиқотда таҳлилга тортилган бошқа бир қатор матнлар шуни кўрсатадики, бадий асарда терминлар қаҳрамон нутқини индивидуаллаштирувчи восита сифатида намоён бўлади ҳамда ёзувчининг бадий мақсадини ёрқинроқ акс эттиришга замин яратади.

Диссертациянинг **“Соҳа терминларининг лингвокультурологик хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобда терминларга лингвокультурологик ёндашувнинг моҳияти очиб берилган.

2-бобнинг биринчи бўлими **“Терминлар ва тил тадқиқига антропоцентрик ёндашув”** деб номланган. Бугунги давр тилшунослигида терминларни антропоцентрик аспектда тадқиқ этиш долзарб муаммолардан бирига айланди. Терминларнинг ҳосил қилинишида, асосан, илм-фан соҳаси кишилари, олимлар қатнашиши боис бу турдаги махсус лексикани шу тил эгалари шахси билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш, уларнинг олам ва ундаги предмет ва ҳодисаларни илмий тарзда қайта идрок этиши, бу жараёнда илмий тафаккур соҳиблари онгида илмий концептларнинг шаклланиши, бу концептларнинг миллий онг билан боғланиши ва тилда аниқ терминлар билан ифода этилиши, терминларда лингвомаданий коднинг ифодаланиши ва ниҳоят, илм соҳиблари нутқини ўрганиш орқали уларнинг лисоний шахсини аниқлаш каби қатор вазифалар антропоцентрик аспектда тадқиқ этилувчи терминологиянинг муҳим вазифаларидир.

С.В.Гринева-Гринева терминлар ҳосил бўлишининг эволюцион босқичларини жамият тарихи ва маданияти билан боғлиқликда ўрганиш ғоясини илгари суради.²⁹ Луғатларда жамланган лексик бирликлар, хусусан, терминларда халқ билими даражасининг акс этиши Н.Г.Чернышевскийнинг “Философияда антропологик тамойил” асарида ҳам қайд этилган. У ўз кузатишлари асосида “Лексика таркиби халқ билимига мутаносибдир” деган хулосага келган³⁰.

²⁹ Гринева-Гринева С.В., Сорокина Э.А. Язык как средство изучения познания и эволюции человека // Вестник МГОУ. Серия: Лингвистика, 2014. – №5. – С.12-25.

³⁰ Қаранг: Чернышова Л.А. Антропологические аспекты современной отраслевой терминологии (на материале терминологии железнодорожного транспорта): Дисс ... докт. филол. наук. – М., 2011. – С.17.

Маълумки, тиллар орасидаги фарқлар, одатда, маданиятлар орасидаги фарқлар билан асосланилади. Жумладан, *муқобилсиз лексика* деб аталган бирликлар муайян халқ миллий маданиятига хос ҳодисаларни акс эттиришига кўра белгиланади. Л.С.Бархударовнинг ёзишича, “Муқобилсиз лексика – бир тилдаги лексик бирликларнинг бошқа тилда тўлиқ ёки қисман муқобилига эга бўлмаслигидир”³¹.

Турли тилларда шундай терминлар ҳам мавжудки, улар муқобилсиз лексика таркибига кира олади. Бундай терминларни лингвомаданиятшунослик аспектида махсус ўрганиш нафақат тиллар, балки турли маданиятлар орасидаги ўзига хос жиҳатларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, реалаяларни ифодаловчи термин ва сўзларнинг дифференциал хусусиятларини ўрганиш терминология ва маданиятшуносликнинг ўзаро алоқасини белгилаш учун муҳим.

2004 йилда дунё лингвистикасида антрополингвистика йўналишининг юзага келганлиги эълон қилинган “Тил ва маданият” мавзусида бўлиб ўтган халқаро миқёсдаги конференцияда эътироф этилишича, антрополингвистика биринчи навбатда турли тилларнинг лексик тизимлари, хусусан, терминологияни тадқиқ этиши лозим, чунки уларда илмий билим тизимлари тараққиётига хос хусусиятлар бениҳоя аниқ акс этган бўлади.³²

Юқорида келтирилган фактлар бошқа тил бирликлари сингари, терминларнинг ҳам моҳиятини очиб беришда антропоцентрик парадигма, унинг таҳлил усуллари алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Зеро, тадқиқотимиз объекти бўлган терминлар инсоннинг ташқи оламга илмий муносабати, илмий қарашларининг тилда воқеланишида муҳим ўрин тутди.

2-бобнинг иккинчи бўлими **“Терминлар ва лингвомаданий бирликлар”** алоқадорлигига бағишланган. “Маданият, халқ тафаккури, унинг олами идрок этишидаги ўзига хос жиҳатларнинг тилда акс этишини ўрганиш лингвокультурологиянинг асосий мақсадидир. Мазкур соҳанинг объекти тил ва маданият, предмети эса ўзида маданий семантикани намоён этувчи тил бирликлари ҳисобланади. Бинобарин, лингвокультурологияда маданий ахборот ташувчи тил бирликлари тадқиқ этилади. Бундай тил бирликлари *лингвомаданий бирликлар* термини остида бирлашади.”³³

Шуниси характерлики, лингвомаданий хусусият айрим терминларда ҳам кузатилади. Тил қонуниятларидан мукамал боҳабар бўлган маҳоратли ёзувчи терминларга лингвомаданий вазифа юклай олади. Натижада термин лингвомаданий бирлик вазифасини бажариб, миллатга хос бўлган миллий маданият ва ўзига хосликни акс эттирадики, китобхон адибнинг нафақат ғояси, балки ўзбек миллатининг анъаналари, урф-одатлари ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлади. Бунда ёзувчи умумхалқ тилидаги бадиий тасвирга

³¹ Бархударов Л.С. Язык и перевод: Вопросы общей и частной теории перевода. – М.: Международные отношения, 1975. – С.94.

³² Бу ҳақда қар.: Антонова В. Антрополингвистические аспекты терминологии железнодорожного транспорта (на материале русских и английских терминов) // Филологические науки. М., 2014. – №16. – С.95.

³³ Худойберганаева Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Туронзамин зиё, 2015. – Б.6.

мувофиқ бирликларни танлаш, саралаш ва сайқаллаш асосида, лисоний - бадий қонуниятлардан келиб чиққан ҳолда уларга юкланган хилма-хил бадий-эстетик маъноларни тўғри қўллаш асносида эришади.

С.Иброҳимов Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романида 400 атрофида касб-ҳунар терминлари қўлланганини, “Меҳробдан чаён” романида эса бундай сўзлар ундан ҳам ортиқ эканлигини қайд этади.³⁴ Ана шундай жараёнларни синтезлаб, терминларни лингвокультурологик мақсад ҳосиласига айлантирган адиблар асарида ўзбекона маданият рўй-рост намоён бўлади. Масалан: *Қизи бор одам юз қилмаса, “дипломатия” қонун-қоидалари бузилади.* (Т.Малик)

Берилган мисолда совчилик қоидалари дипломатия қонун-қоидаларига нисбатланган. Ўзбек халқининг кўп асрлик миллий анъаналарига кўра совчилик авлоддан-авлодга ўтиб келаётган урф-одатлардан бири ҳисобланади. Расмий дипломатик муносабатлар муайян қонун-қоидаларга бўйсунди. Яъни дипломатияда икки мамлакат муаммоларини ҳал этиш учун йиғилган дипломатларнинг саломлашишидан тортиб хайрлашувига қадар, кулимсирашларидан тортиб қош чимиришларигача бўлган ҳаракатлари аниқ ишлаб чиқилади. Худди шундай, совчилик маросими ҳам узоқ йиллардан бир қолипга тушган аниқ қоидалар асосида амалга оширилади. Совчиликка бораётган аёллар ҳам дипломатларга ўхшаб нима дейишни, қандай муомала қилишни олдиндан режалаштириб қўйишади. Шу сабабли ёзувчи асарда совчиликка борган аёлларнинг бир-бирига бўлган муносабатини кўрсатиш учун *дипломатия* терминидан фойдаланган. Бундай қўлланишда ушбу термин лингвомаданий бирлик вазифасини бажариб, миллий маданият ва мулоқотнинг энг нозик жиҳатларини намоён қилишга йўналтирилган.

Ўзбек тилининг спорт терминологияси, масалан, курашга доир кўпгина терминлар ўзбек тили вакиллари учун лингвокультурологик аҳамият касб этади. *Кураш, таъзим, ҳалол, чала, дакки, ёнбош, танбеҳ, бекор, тенг, вақт* терминларининг пайдо бўлиши ва халқаро спорт терминлари даражасига чиқиши ўзбек халқининг қадимги миллий спорти тури билан боғлиқдир. Бу каби терминлар ўзбек халқининг этномаданиятини ўзида яққол акс эттиради: *Мен чалпак бўлиб тушган Давроннинг кўкрагидан босиб турардим. Каллам карахт, кўзим кўр, қулогим кар эди. – Ҳалол, – дея елкамга туртди баковул, – қўйворинг энди уни.* (Л.Бўрихон.) *Даврани тўрт айланишиди ҳамки, жувон ёнбош бермади.* (С. Аҳмад)

Миллий кураш терминларининг лингвокультурологик хусусиятлари ҳақида сўз борганда ўзбек миллатига хос ҳалоллик, бир сўзликлик кабиларни эътиборга олмаслик мумкин эмас. Миллий курашдаги энг юқори баллнинг *ҳалол* термини билан, “беллашув пайтида катта хатога йўл қўйган ёки такрор кўполлик қилган курашчига охириги огоҳлантириш”³⁵нинг *гирром* термини билан аталиши ҳам аслида воқеликни ўзбекона баҳолаш маҳсулидир. Мазкур

³⁴ Ибрагимов С. Кўрсатилган автореферат. – Б.145 – 152.

³⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 449.

терминлар англатадиган тушунчалар ўзбек халқига хос оламнинг концептуал манзарасидан ана шу миллий-ментал баҳоси билан бирга ўрин олган, алоҳида концепт ҳолида барқарорлашган, шундан кейин оламнинг ўзбекча лисоний манзарасига кўчган ва лингвомаданий бирлик сифатида лисоний ифода топган.

Хуллас, тил тизими бирликлари, шу жумладан, терминлар ҳам халқ маданияти, менталитети, миллий онги билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилгандагина унинг тавсифи тўлиқ бўла олади. Ана шу жиҳат, яъни тил ва миллий-маданий омиллар уйғунлиги лингвокультурологик тадқиқотларнинг марказида туради.

2-бобнинг учинчи бўлимида **“Соҳаларга хос марказий концептларнинг термин ва касб-хунарга оид бирликлар орқали ифодаланиши”** масаласи ёритилди.

Маълумки, *концепт* термини лотинча *conceptus* сўзидан олинган бўлиб, “тушунча” деган маънони билдиради. В.З.Демьянков *концепт* термини ўтган асрнинг 80-йилларига қадар *тушунча* сўзига синоним сифатида ишлатилганлигини, ҳозирги вақтда эса унинг изоҳи *тушунча* терминига нисбатан ўзгарганини қайд этади³⁶.

Илмий адабиётларда қайд этилганидек, концепт тасаввурнинг юқори даражасида туғилади. Тушунча эса материянинг олий маҳсули бўлмиш миянинг юксак даражадаги маҳсулидир³⁷. Тушунчанинг концептдан фарқи шундаки, у муайян белги ва жиҳатларни эмас, балки концептдаги энг умумий, энг муҳим умумлашмаларнигина сақлаб қолади. Концепт, тушунча ва сўз орасида изчил алоқа мавжуд бўлиб, бунга жамият, миллийлик, воқелик ва реаллик муносабатлари катта таъсир кўрсатади.

Концепт ва тушунчанинг фарқи, моҳияти ҳақида тилшуносликда кўплаб қарашлар мавжуд. Аммо бу ўринда биз учун жамоа онгини намоён қилувчи ҳамда тилда махсус соҳа бирликлари орқали воқеланувчи концептларнинг миллийлик хусусияти муҳим аҳамиятга эга.

Инсон ўзининг индивидуал, бетакрор маданиятини сақлаган ҳолда концепт орқали халқларнинг, турли миллат вакиллариининг маданиятига, ментал дунёсига мурожаат қилади³⁸. Лингвомаданиятшуносликда *концепт* “менталлик хусусиятига ҳамда лисоний ифодага эга бўлган, этномаданий ўзига хослик белгиси билан ажралиб турувчи жамоа онги бирлиги”³⁹ сифатида тавсифланади. Концептнинг миллийлик хусусияти унинг тилдаги ифода воситалари – тилнинг махсус лексикаси, шу жумладан, терминларида ҳам намоён бўлади.

Ҳар бир халқ онгида муайян соҳаларга хос тушунчаларни акс эттирувчи марказий концептлар шаклланган бўлиб, улар тилда махсус лексика ва терминлар орқали воқеланади. Бу каби концептлар этномаданий ўзига

³⁶Демьянков В.З. Понятие и концепт в художественном литературе и в научном языке // Вопросы филологии. – М., 2001. – № 1. – С. 35-47.

³⁷Седов К.Ф. Дискурс и личность. – М., 2004. – С.30.

³⁸Степанов Ю.С. Константы: Словарь русской культуры. – М.: Академический проект, 2004. – С.991.

³⁹Худайберганава Д. Кўрсатилган луғат. – Б.16.

хосликка эга. Жумладан, пазандачилик соҳасида қўлланувчи махсус лексикага оид бирликлар жамоа онгида шу соҳа бўйича шаклланган концептларнинг лисоний ифодачиси ҳисобланади.

Хоразмча сузма палов, самарқандча софаки палов, сурхандарёча угра палов каби таом номларида нафақат миллийлик, балки худудий хосланиш ҳам акс этади. Бундай бирликларда, айниқса, тилнинг миллий-маданий ўзига хослиги яққол намоён бўлади. Фикримизни “Ўзбек тили ассоциатив луғати” материаллари таҳлили асосида далиллашга ҳаракат қиламиз. Ушбу луғатда ўзбек халқининг қадимий миллий таомлари номлари қаторида *атала* лексемаси ассоциатив майдони ҳам қайд этилган. Ушбу майдон бирликлари ТАОМ концептини воқелантирувчи ўзига хос ассоциацияларни ўзида жамлайди. Қуйида луғатда берилган юқори частотали жавоб реакцияларини қайд этамиз:

“АТАЛА: таом **68**; миллий таом **19**; ун **17**; сув **9**; бўтқа **8**; ёғ **8**; туғруқхона **7**; мазали **6**; қиймали атала **6**; шакар **6**; ширин **6**; болалар бўтқаси **4**; овқат **4**; сут **4**; аёллар **3**; болалар **3**; гўдак **3**; қуюқ **3**; суюқош **3**; тўйимли **3**; чақалоқ **3**; арпа **2**; атала қилиш **2**; аталамоқ **2**; атала-умоч **2**; болалар овқати **2**; буғдой **2**; бўшанг одам **2**; гўшт **2**; касал **2**; пиёздоғ **2**; қиймали **2**; сарийёғ **2**; суюқ овқат **2**; туғган аёл **2**; умоч **2**; ёрма атала **2**; ёвғон атала **2**; зиғир ёғ **2**; ...”⁴⁰

Таҳлилларимиз кўрсатадики, *атала* лексемаси ассоциатив майдони бирликлари ТАОМ концепти билан боғлиқ қуйидаги мавзувий-когнитив блокларни воқелантиради: 1) атала таоми номи: *атала-умоч, атала, миллий таом, умоч, сут ва ундан тайёрланадиган таом*; 2) аталанинг сифатлари: *суюқ овқат, тўйимли таом, иссиқ атала, камбағаллар таоми, кексалар таоми, оқ атала, қора атала*; 3) атала турлари: *қиймали атала, ёвғон атала, ёрма атала, буғдойдан қилинган атала*; 4) атала тайёрлаш жараёни: “*Узоқ вақт қайнатилади*”, “*Қиздирилган ёзда ун қовуриб, унга сув солиб пиширилади*”; 5) аталанинг дориворлиги: *қувват берувчи атала* кабилар.

Маълум бўладики, касб-хунар соҳасига оид марказий концептлар у ёки бу халқ маданиятининг ўзига хос жиҳатларини намоён қилади. Соҳа лексикасини ҳосил қилувчи ассоциатив лексемалар этномаданий жиҳатдан ўзига хос бўлиб, жамоа онгини акс эттирувчи соҳавий концептларни воқелантирувчи бирликлар саналади.

Тадқиқотнинг 3- боби “**Бадий матнда терминларнинг лингвопоэтик актуаллашуви**” деб номланган.

Бобнинг биринчи бўлими “**Терминлар лингвопоэтик хусусиятини матн қуришвида ўрганиш**” масаласига бағишланган. Дунё тилшунослигида матн мураккаб семантик структурага эга яхлит бутунлик сифатида турли аспектларда тадқиқ этилмоқда. Тилшуносликда узоқ йиллар давомида тилнинг фикр ифодалайдиган асосий бирлиги сифатида фақат гап тадқиқ этилди, ҳатто гап тугаган жойда тилшуносликнинг ҳам тугаши ҳақидаги ҳукмлар айтилди. “Аммо ўтган асрнинг иккинчи яримларидан бошлаб

⁴⁰ Lutfullayeva D., Davlatova R., Tojiboyev B. O‘zbek tili assotsiativ lug‘ati (milliy-madaniy birliklar). –Toshkent: «Navoiy universiteti» nashriyot-natbaa uyi, 2019. – B.51.

тилдаги энг йирик, олий коммуникатив бирлик матн эканлиги ҳақидаги фикрлар барқарорлаша бошлади, кишилар гаплар воситасида эмас, балки матнлар воситасида бир-бирлари билан алоқа қилиши ойдинлашди. Зотан, тамоман тугалланган фикр, мазмун, ахборот гапда эмас, балки фақат матнда ифодалана олиншини исботлаш учун ҳеч бир эҳтиёж ва зарурият йўқ.”⁴¹ Шу нуқтаи назаридан ёндашганда, терминларни ҳам матн қуршовида тадқиқ этиш уларнинг нутқ жараёнида юзага чиқувчи ўзига хос имкониятларини аниқлашга имкон беради.

Терминларни матн қуршовида, айниқса, бадиий матн таркибида тадқиқ этиш уларнинг бадиий услуб ва матн талаби билан боғлиқ ҳолда юзага чиққан ўзига хос семантик-услубий хусусиятларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Англашиладики, терминларни фақат гап доирасида эмас, балки ундан катта бутунлик, яъни матн доирасида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Зеро, терминларни матн таркибида таҳлил қилиш уларнинг матний қуршовда намоён бўлувчи семантик-синтактик, коммуникатив-эстетик хусусиятларини аниқлашга имкон яратади. Қуйидаги мисол таҳлиliga эътибор қаратамиз: *Зоҳид кўричак эмас, буйракдаги тош экан. Ўқтин-ўқтин қўзғаб, безовта қилиб туриши мумкин экан.* (Т.Малик)

Ушбу мисолдаги *кўричак, буйракдаги тош (буйрак тоши)* терминлари айни гап доирасида ўзининг тўлиқ маъносини реаллаштира олган эмас. Бу терминларнинг семантик-структур, мантикий ва бадиий-эстетик моҳиятини англаш учун кенгроқ матнга мурожаат қилиш лозим. Хусусан, ушбу терминлар бир неча абзац олдиндаги қуйидаги парча билан боғланган ҳолда таҳлил қилинса, уларнинг семантик хусусияти ойдинлашади:

Маҳмадона лейтенатнинг ҳар мажлисда бир игна санчиб олиши, ҳақиқат талаб этиши бошлиқнинг эсини тесқари қилиб юборган, мажлис деса кўнгли ағдариладиган бўлиб қолган эди. Зоҳид кетгач, атрофидаги икки-уч ҳақиқатпарварларнинг ўз-ўзидан тинчишига ишонарди.

Кўринадики, ушбу матн юқорида таҳлил этилган *Зоҳид кўричак эмас, буйракдаги тош экан. Ўқтин-ўқтин қўзғаб, безовта қилиб туриши мумкин экан* жумласи билан мантиқан алоқадор. Бу парчада *кўричак, буйракдаги тош* терминларининг лингвопоэтик моҳияти очилган. Демак, терминлар матн таркибида иштирок этиб, гаплар орасида ҳам горизонтал, ҳам вертикал семантик-мантикий алоқадорликни вужудга келтира олади. Юқорида келтирилган *кўричак, буйракдаги тош (буйрак тоши)* терминлари ўзидан олдин келган парча билан мазмунан горизонтал муносабатда, матнда бир неча абзац кейин келган парча билан эса вертикал муносабатдадир.

Бобнинг иккинчи бўлими “**Терминларнинг бадиий матнда эпитет сифатида қўлланилиши**” деб номланган. Терминларнинг функционал хусусиятларини белгилашда уларнинг бадиий матнда эпитет сифатида қўлланиб, поэтик жиҳатдан актуаллашуви масаласини ёритиш муҳим аҳамиятга эга.

⁴¹ Маҳмудов Н. Илмий матнда экспрессивлик эҳтиёжи // www.tilvaadabiyot.uz.

Ўзбек тили луғат таркибининг муайян қисмини ташкил этувчи терминлар бадий адабиётда эпитет сифатида қўлланар экан, маълум нарса - ҳодисаларга хос характерли белгини эмоционал тарзда бўрттиришга хизмат қилади. Айниқса, тилимизда алоҳида илм-фан соҳаларида терминлик хусусиятига эга бўлган бирликлар мавжудки, улар бадий асарда эпитет вазифасида келиб, матннинг таъсир кучини янада оширишга хизмат қилади:

*Бағримда бўй етган бўз болам,
Мерган болам, лочин кўз болам,
Бўғзимга тиз урган ўз болам...*

Мен дардимни кимга айтаман. (М.Юсуф)

Мазкур шеърда алоҳида фан соҳаларида терминлик хусусиятини намоён қилувчи, аммо бадий нутқда бу хусусиятини йўқотиб, поэтик қимматга эга бўлган *мерган* (спорт), *лочин* (зоол.), *кўз* (анатом.) лексик бирликлари шеърда эпитет сифатида қўлланган. Шоир ўйлаган мақсадини амалга ошироқчи бўлган инсон (фарзанд)нинг хатти-ҳаракатларини лочинга ва мерганга ўхшатган. Чунки мерган ҳам мўлжалга беҳато уради, лочин ҳам ўз ўлжасини узоқдан кўра олади ва бир ҳамлада олади. Яъни шоир Абдуллатифнинг отаси Улуғбекни ўлдириши билан боғлиқ режа ва мақсадларини терминлар воситасида образли тарзда ифодалаб, уларнинг лингвопоэтик актуаллашувини таъминлаган.

Тадқиқотда турли бадий асарлардан олинган шу каби термин-эпитетларнинг лингвопоэтик хусусиятлари ёритиб берилди.

3-бобнинг учинчи бўлими **“Терминларнинг бадий ўхшатишларни ҳосил қилиши”** тарзида номланган. Бадий матннинг таъсирчанлигини, поэтик қимматни оширишда ўхшатишларнинг ўрни ниҳоятда катта. Маълумки, ўхшатишлар, асосан, сўзлашув ва бадий услубларда кенг қўлланади. Ўхшатишли қурилмаларда тил эгаларининг ташқи оламни идрок этиш усули намоён бўлади. Кўпроқ илмий услубга хос деб қаралувчи ва, асосан, тўғри маъносидан қўлланадиган терминлар ҳам баъзан ўхшатиш воситаларини қабул қилиб, экспрессивликни ифодалайди. Масалан: ... *Нафақа ёшига бориб қолган, бунинг устига “эскича” фикрлайдиган – қўшма гап бўлақларидек эргашиб юришга, мослашувга ё “катта”га ўшак ташишга ноқобил муҳаррирга жамоада ўрин йўқ.* (Э.Аъзам).

Келтирилган парчада Э.Аъзам тилшуносликка оид *қўшма гап бўлақлари* терминидан ўхшатишли қурилма ҳосил қилишда моҳирона фойдаланган. Маълумки, қўшма гапларнинг тобеликка асосланган турида эргаш гап доимо бош гапга эргашиш йўли билан боғланади. Ушбу хусусият адибнинг термин асосида ўхшатишли қурилма ҳосил қилишига туртки берган. Ёзувчи доимо бошлиқларга эргашиб юрадиган, ҳар қандай раҳбарга мослаша оладиган инсонлар табиатини тилшуносликка оид термин воситасида яққол кўрсатиб беришга эриша олган.

Бадий асарларда нафақат ижтимоий фанлар, балки аниқ ва табиий фанларга оид илмий терминлар иштирокида ҳам ўхшатишли қурилмаларнинг ҳосил қилиниши кузатилади. Қуйидаги матн таҳлилига эътибор қаратамиз:

Сен бошлигинга пора берасан, бошлигинг бошлигига, у эса ўзидан тепадагиларга пора беради. Бу жараён худди занжир реакциясига ўхшайди. Бир-бирига боғланган, узилмас ва мустаҳкам жараёндир. (Т.Малик)

Маълумки, *занжир реакцияси* кимё фанига оид илмий термин ҳисобланади. Бу термин “ташқи ва ички қўзғатувчиларга жавобан инсон ва унинг тана аъзоларида пайдо бўладиган ҳаракат, жараён ёки ҳолат, акс таъсир”⁴²ни англатади. Маҳоратли ёзувчи пора тақсимлаш жараёнини занжир реакциясига ўхшатиш орқали жамиятнинг энг оғриқли нуқтасига айланган порахўрлик иллатини танқид қилади. Уни узилмас ва мустаҳкам занжирга қиёслаб, китобхонни огоҳликка чақиради. Матнда қўлланган *занжир реакцияси* термини китобхонга порахўрлик иллатининг қанчалик хавфли эканлигини бўрттириб, қабартириб кўрсатишга хизмат қилган.

Тадқиқотда, шунингдек, С. Аҳмад, А. Мухтор, Э. Воҳидов, Ў.Ҳошимов асарларидан олинган шу каби ўхшатишлар таҳлили келтирилган.

3-бобнинг тўртинчи бўлиmidан **“Терминларнинг метафорик қўлланиш имкониятлари”** хусусидаги фикрлар ўрин олган. Бунда дастлаб дунё ва ўзбек тилшунослигидаги метафорага нисбатан ёндашувларга муносабат билдирилди. Метафора тавсифига берилган қарашлардан маълум бўладики, у кўп қиррали ва мураккаб ҳодиса бўлганлиги учун ҳам унинг талқинларида фарқли жиҳатлар кўзга ташланади. Метафорада асосий ҳолларда бир сўзнинг бошқа сўз ўрнида қўлланилиши назарда тутилган бўлса, кейинги йиллардаги аксарият ишларда метафоранинг билиш фаолиятининг маҳсули, “ инсон когнитив фаолиятининг, идрок қувватининг энг қудратли қуролларидан бири сифатида ақлий ва лисоний жараёнларни ҳаракатга келтирувчи куч”⁴³ эканлиги эътироф этилмоқда.

Ҳар қандай сўзнинг метафорик кўчим асосида янги маъно учун қўлланилиши оддий номлашнинг ўзи бўлмай, бу жараёнда сўзнинг стилистик имкониятлари ҳам юзага чиқади. Айниқса, бадий асарда қўлланган номнинг метафорик маъно касб этиши асарнинг таъсир кучини оширишга, бадийликни таъминлашга хизмат қилади.

Маълумки, терминлар илмий билимларни тизимлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Терминлардаги номинативлик ва кўчма маъно, маънодошлик ҳодисаси уларнинг бадий матнда тасвирий восита сифатида қўлланилишини таъминлайди. Бундай терминлар воқеа-ҳодисалар тасвирининг образлигини, таъсирчанлигини ошириш учун хизмат қилади. Масалан, А.Мухторнинг “Бўронларда бордек ҳаловат” асаридан келтирилган куйидаги микроматнда шундай ҳолат кузатилади: *Лекин бу ерда руда тўполондан тозаланади. Бу ернинг одамлари бора-бора ҳеч қандай қоришмасиз, соф металл бўлади. Сиз одамлардан қўрқманг. Ўзингиздан қўрқинг.*

Асарнинг бош қаҳрамони геолог Мардонқул Заргаров нутқидан олинган ушбу матнда *руда, қоришма, металл* илмий терминлари қўлланган. Бу

⁴² “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, zyouz.comкутубхонаси. – Б. 31.

⁴³ Маҳмудов Н., Одилов Ё. Сўз маъно тараққиётида зиддият. – Тошкент: Академнашр, 2014. – Б.7-9.

терминлар кўчма маънода қўлланилиб, муаллифнинг поэтик ниятини юзага чиқаришга хизмат қилган.

Қуйидаги матнда ҳам соҳа терминлари: *ковш руда, олтин зарраси* қўлланган. *Ковш рудадек* термини ўхшатишли қурилмани ҳосил қилиб, матннинг таъсир кучини оширишга хизмат қилган: *Бу ҳақда менга кўп гапиришди. Лекин аминманки, ҳар қандай ёмон одам ҳам бир ковш рудадек гап, унда бир мисқолгина бўлса ҳам, олтин зарраси бўлади...*

Кўринадики, матнда қўлланган терминлар тавсифлаш, таъсирчанлик ва қиёслаш белгисига эга бўлиб, ўқувчи эътиборини тортади.

Хуллас, бадиий асарда метафорик терминлардан ўз ўрнида моҳирона фойдаланиш ёзувчининг бадиий тафаккури ва эстетик дидига боғлиқ. Шу маънода, метафора асар бадиийлигини таъминловчи асосий воситалардан бири сифатида баҳоланади.

3-бобнинг бешинчи бўлими **“Бадиий матнда эскирган терминларнинг поэтик-эстетик қиммати”** масаласига бағишланган. Бадиий матнда эскирган терминлар муаллифнинг услубий мақсади асосида ўз ёки кўчма маъноларида қўлланилади. Бадиий асарда эскирган терминлар кўпроқ муайян давр руҳини бериш учун ишлатилади. Баъзан бундай терминлар кўчма маъноларда қўлланиб, киноя, пичинг, юмор, ҳажв кабиларни ҳосил қилишга хизмат қилади. Тарихий асарларда эскирган терминлар эскилик бўёғи билан иштирок этиб, бадиий тасвирни янада ёрқинлаштиради. Бундай терминлар тилнинг диахрон ва синхрон аспекти ўртасида кўприк вазифасини бажаради ҳамда терминларнинг тарихий тараққиёти масаласини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотда эскирган бирликларнинг бадиий адабиётда қўлланилиши билан боғлиқ мана шундай ҳолатлар таҳлил қилинди.

Соф терминлар қаторида касб-ҳунар лексикасига оид эскирган бирликлар ҳам бадиий матнда кўчма маъноларда қўлланилиши ёки ўхшатишли қурилмаларни ҳосил қилиб, матннинг таъсир кучини орттириши мумкин. Масалан:

*Муҳаббатга даргоҳинг оч ҳеч қурса бир бор,
Наҳотки ишқ хотираси – мисли зиндонбон. (А.Орипов)*

Келтирилган мисолда ўтмишда мавжуд бўлган мансаблардан бирининг номини билдирувчи *зиндонбон* лексемаси қўлланган. Эскирган бирлик бўлган ушбу касб-ҳунар лексемаси ёрдамида шеъринг матнда ўзига хос ўхшатишли қурилма ҳосил қилинган. Яъни инсоннинг ўз севгисини ҳеч кимга ошқора қилмай ўзида сақловчи ишқ хотираси зиндонбонга ўхшатишган.

Эскирган терминлар кўчма маъноларда қўлланилиб, эмоционал-услубий бўёққа эга бўлиши мумкин. Бундай терминларнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, улар шеърларда юқори поэтик услубни таъминлашга хизмат қилади. Масалан:

*Ҳали дўзах қопқасидан ичкари кирмай,
Остонада шунча савдо бўлса-я, ё раб! (А.Орипов)*

Эскирган терминлар бадий матнда ўз маъносида ҳам қўлланилади. Бундай вақтда матнга тарихийлик руҳи сингдирилади. Масалан: *Аҳмад Махзум Бухоро мадрасаларидаги расмий дарсларга қаноат қилмай, нужум, ҳандаса ва ҳисобга ўхшаши илмларни ўрганган.* (С.Айний)

Маълумки, бадий ижодда ҳар қандай сўз эмас, шоирнинг қалб призмасидан ўтган сўзларгина бадий бўёқдорлик, баҳо муносабати каби услубий-прагматик хусусият касб этади. Бадий матнда бундай эскирган терминларни кўплаб учратамиз. Эскирган терминлар, асосан, тарихий воқеа - ҳодисаларни реал тасвирлаш мақсадида ишлатилади. Бу эса терминларнинг лингвопоэтик восита сифатида қўлланишини таъминлайди.

Диссертациянинг 3-боби олтинчи бўлими **“Термин комик тасвир воситаси сифатида”** деб номланган. Маълумки, бадий асарда ифодаланган кулги меъёрий даражада маҳорат билан тасвирланса, ўқувчига ҳуш кайфият бағишлайди, асарнинг бадий қимматини янада оширишга хизмат қилади. Ўз навбатида, бадий асардаги кулги икки турга бўлинади: сатира ва юмор.⁴⁴ “Юморда кулгилик очик-ошкора намоён бўлади, аммо ошкора кулги остида енгил-елпи ҳазил, кўнгилхушлик мақсади эмас, жиддийлик мавжуд. Юмор ўз объектида, қисман бўлса-да, идеалга мувофиқ жиҳатларни кўради, уни мукаммаллаштириш, нуқсонларни бартараф қилиш, ундаги умуминсоний қимматга молик жиҳатларни юзага чиқариш мақсадини кўзлайди. Шунинг учун ҳам юморда танқид руҳи, нуқсонлар устидан кулиш билан бирга хайрихоҳлик, ачиниш ҳам мавжуд.”⁴⁵ Бунга Ғ.Ғуломнинг “Менинг ўғригина болам” ҳикоясида тасвирланган ҳолатни мисол сифатида келтириш мумкин.

Аслида, ўғрилик – жиноят, салбий ҳолат. Лекин мазкур асарда Роқиябиби, яъни қора буви ўғрининг акса уриб юборганини пайқаб: *Ҳой, ўғригина болам, касбинг нозик, тумов-пумовингни ёзиб чиқсанг бўлмайдимми,* – деб хайрихоҳлик билдиради ва ўғри билан самимий суҳбатлашади. Замоннинг ночорлиги, тўрт етимнинг эртасини ўйлаши ҳақида гапиради, ўғрининг ҳам ноиложликдан шу ҳаром йўлга кирганлигини айтиб, *ўзига тўқ одамларникига борсанг бўлмайдимми,* дейди. Яна *ўғригина болам, келиб тур* деб хайрлашади.

Моҳиятига эътибор берилса, икки хил кулги мавжудлиги кўринади. Биринчиси – оддий (элементар) кулги. Яъни тўсатдан юзага келган турли ҳолатлар: кимдир қоқилиб кетганда, кийимини шошилиб тескари кийиб олганда, қизиқ воқеалар содир бўлганда ва шу каби вазиятларда содир бўладиган кулги. Икинчиси эса ижтимоий-социал ҳарактердаги кулги. Юқоридаги мисолда ҳам ўғрини қарғаш ёки сўкиш, қаматиш ўрнига унга нисбатан ҳамдардлик, хайрихоҳлик маъноси ифодаланган. Келтирилган мисолда *Касбинг нозик, тумов-пумовингни ёзиб чиқсанг бўлмайдимми* деган икки жумланинг ўзиданоқ муносабат яққол кўзга ташланади. Мазкур матнда

⁴⁴ Қуронон Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – Б. 272.

⁴⁵ Қуронон Д., Мамажонов З., Шералиева М. Кўрсатилган луға.т – Б.372.

қўлланган *тумов, касб* терминлари вазият билан боғлиқ комик ҳолатнинг юзага чиқишида восита бўлган. Демак, бадий асарларда сўз ва образли ифодалар яхлит ҳолда комик тасвирни ифодалашга хизмат қилади. Бу ҳолатда баъзан қўлланилиши маълум услуб (илмий услуб) доирасида чегараланган, деб баҳоланувчи терминлар ҳам бадий матнда комик вазиятнинг юзага келишида ва кулгили ҳолатларни тасвирлашда маълум бир мақсадга йўналтирилиб, муайян лингвопоэтик вазифани бажаради.

Диссертациянинг 4-боби “**Соҳа терминлари бадий матнда услубий восита сифатида**” деб номланган. Ушбу бобнинг биринчи бўлими “**Аниқ ва табиий фанлар терминларининг бадий матнда услубий хосланиш имкониятлари**” таҳлилига бағишланган.

Терминларнинг, асосан, илмий услуб доирасида чегараланганлиги, бир тушунчани ифодаловчи луғавий бирликлар эканлиги барча илмий манбаларда қайд этилади. Шундай бўлса-да, кейинги йилларда терминология соҳасида амалга оширилаётган изланишлар, терминларнинг тилдаги амалий қўлланиши билан боғлиқ функционал-услубий, семантик хусусиятлар тадқиқига бағишланган ишлар бу турдаги бирликларнинг бошқа лексик-семантик гуруҳлар каби ўзига хос, ўрганилиши лозим бўлган муҳим жиҳатларга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Ҳар қандай ёзувчи ёки шоир бадий матнда китобхонга эстетик завқ бериш, унга ҳиссий таъсир кўрсатишни асосий мақсад қилиб қўяди ва бу мақсадига мувофиқ ҳолда насрий ёки поэтик матнда тилнинг муайян воситаларини танлаб қўллайди. Бу жараёнда бадий матнда тилдаги барча сатҳ бирликлари у ёки бу даражада иштирок этади. Шу жумладан, лексик сатҳ бирлиги ҳисобланган терминлар ҳам бадий матнда эстетик қиммат касб этган ҳолда намоён бўлади. Англашиладики, терминлар нафақат илмий услубни ҳосил қилишда, балки бошқа нутқ услублари, жумладан, бадий услубда ҳам турли вазифаларда қўлланила олиш имкониятига эгадир. Зотан, “... бадий услуб алоҳида ва ўзига хос услуб ҳисобланса-да, унинг ўзига хослиги тилдаги бошқа вазифавий услубларнинг ҳам унда бемалол ҳаракатда бўлаверишида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам мутахассислар бадий нутқнинг кўп услублилигини алоҳида таъкидлайдилар, бунда илмий ва бадий услубларнинг ўзаро ҳамкорлиги, бир-бирига ўтиши ҳолатларини таҳлил қиладилар.”⁴⁶

Бадий матннинг асосий мақсади китобхонга эстетик таъсир этишдан иборат экан, терминлар ҳам шу мақсадни рўёбга чиқаришга йўналтирилади. Аниқ ва табиий фан соҳаларига оид терминлар бадий матнда турли маъноларни ифодалаб келиши мумкин. Яъни айрим терминларда воқеликка нисбатан муаллиф ёки қаҳрамоннинг ижобий муносабати ифодаланса, айримларида киноя, пичинг ва бошқа шу каби салбий муносабат, баҳо ифодаланган бўлади.

⁴⁶ Маҳмудов Н. Илмий матнда термин таносиби ва такомилли // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2020. – №2. – Б.5.

Шоир ёки ёзувчилар томонидан бадийий услубга илмий услуб, оммабоп услуб хусусиятларининг сингдирилиши нутқ услублари уйғунлашувининг юзага келишига сабаб бўлади. Жумладан, илмий услубга хос терминларда ҳам бошқа услубларга хосланиш имконияти юзага келади. Фикримизни далиллаш учун Ў.Усмоновнинг “Гирдоб” романида қўлланган терминларнинг бадийий асарда намоён бўлган лингвопоэтик хусусиятларини ёритамиз.

“Гирдоб” романида жуда кўплаб кишлоқ хўжалиги соҳасига доир, пахта етиштириш билан боғлиқ терминлар муаллиф томонидан тўлалигича бадийий услубга сингдирилган. Бундай тасвир усули орқали адиб илмий услубга хос хусусиятларни бадийий услубга кўчирган. Асарда терминларнинг мазмун-моҳияти тўлалигича, худди илмий услубдаги каби ўз маъносида равон ифода этилган. Бу эса услублараро алоқанинг юзага келганини кўрсатади.

Роман бош қаҳрамон Азизнинг оилавий муҳити, хотинининг ўзига хос орзу-ҳаваслари, оиладаги иқтисодий муаммолар, келишмовчиликлар тафсилоти билан бошланади. Ёш олим Азизнинг мақсадлари, оиладаги зиддиятли муносабатлар, илм йўлидаги қийинчиликлари, уни амалга оширишдаги ўзига хос йўли, кураши ўқувчи кўз ўнгида яққол намоён бўлади. Масалан, оилавий муносабатлар тасвирига оид биргина эпизодни олайлик:

– *Сиз тенгилар хў-ў қачон эди егани олдида, емагани кетида!.. – Бас! Менга деса, юлдузни узиб олишсин! – Азиз газабига чидолмай, идиш-товоқлар турган столни қаттиқ муштлади. – Сенга фан бозор эмас, тушундингми! – Сизни худо дағдагага яратган! Танглайингизни дўқ билан кўтарган.*

Мисолда илмий иш билан банд эрнинг ҳолати, хотинининг истаклари, оилавий муносабатлардаги ўзаро келишмовчилик *фан* ва *бозор* терминларининг контраст ҳолатдаги қиёси орқали яққол намоён бўлади.

Қуйидаги мисолларга эътибор беринг:

1. *Айтмасам, Азиз акам қаердан билиб ўтирибди? **Ўзасидан** бошқа нарсани ўйламайди-ку у.* (Ў.Усмонов. “Гирдоб”); 2. *Азиз дам ҳам олмайди, худди механизмдай, мурватини бураб қўйса – бир маромда юраверади. Унда на юрак, на ҳис-туйғу бор. У – машина. Салтанат мана шунисига қуюди.* (Ў.Усмонов)

Ушбу парчада қўлланган *ғўза* термини - *си* эгалик қўшимчасини олиб, метонимик характер касб этган. Яъни *ғўза* сўзи орқали Азизнинг илмий ишига киноявий тарзда ишора қилинган. Кейинги матнда эса Азизнинг тинмай ишлаши, фақат илмий ишини ўйлаши, бошқа ишларга эътибор қаратмаслиги хотинида норозилик кайфиятини туғдирганлиги ҳолати тасвирланган. Қаҳрамоннинг ушбу кайфиятини акс эттириш мақсадида ёзувчи матнга *механизм*, *машина*, *мурват* атамаларини олиб кириб, улардан Салтанатнинг Азизга бўлган муносабатини аниқ ифодалашда моҳирона фойдаланган. Адибнинг яна бир маҳорати шундаки, термин англатган предмет, ҳодисанинг моҳиятини янада чуқурроқ очиб бериш мақсадида у терминга нисбатан жонлаштириш усулини қўллайди: инсонга нисбатан ишлатиладиган *иммунитет* терминини *ёввойи нав* терминига нисбатан

қўллаб, ўзига хос ифода усулини ҳосил қилган: *Баъзи бир ёввойи навлар касалликларга зоят бардошли иммунитетга эга.*

Хулоса қилиш мумкинки, аниқ ва табиий фанлар доирасида чегараланувчи терминлар нутқнинг бошқа услубларида, хусусан, бадиий услубда қўлланиш имкониятига ҳам эга. Бундай вақтда терминлар услубий хосланиш белгисига эга бўлади. Лекин бундай хусусиятни барча терминосистемаларга хос деб бўлмайди. Ўзбек тилида шундай мураккаб терминологик birlikлар ҳам мавжудки, уларда услубий хосланиш имконияти кузатилмайди.

4-бобнинг иккинчи бўлимида **“Ижтимоий-гуманитар фанлар терминларининг бадиий матнда услубий хосланиш имкониятлари”** таҳлил қилинди.

Маълумки, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий муносабатларни ўрганувчи ижтимоий фанлар тизимида турли терминлар қўлланилади. Бундай терминлар алоҳида фан соҳаларига тегишли бўлса-да, инсоннинг рухий кечинмалари, бадиий-эстетик оламини акс эттириш, китобхоннинг воқеликни янада теран идрок этишини таъминлаш мақсадида сўз санъаткорлари томонидан бадиий нутққа олиб кирилади. Мана шу мақсад асосида бадиий нутқда қўлланган ижтимоий-гуманитар фанлар терминлари нутқнинг бадиий эстетик қимматини оширишга хизмат қилади.

Ижтимоий-гуманитар фанлар терминосистемаларининг кўлами кенг ва ранг-баранг. Тадқиқотда ушбу соҳадаги айрим терминларнинг бадиий матнда услубий хосланиш имкониятлари таҳлил этилди.

Ижтимоий-гуманитар фанлар терминлари бадиий асарда персонажлар нутқида қўлланганда шу услубга хосланиш хусусиятига эга бўлади. Фикримизни А.Қаҳҳорнинг “Адабиёт муаллими” номли ҳикоясида келтирилган *“нафис адабиёт муаллими”* Боқижон Бақоев нутқи таҳлили асосида далиллаймиз:

... – *Техникумдан рабфакка ўтибсан деб деб эшитдим, ростми? – деди. Рабфак яхши. Мен бир борган эдим. Канцеляриянинг эшигига практикум деб ёзиб қўйипти. Тўғри эмас. Практикум, минимум, максимум булар ҳаммаси лотинча ёки лотинчага яқин сўзлар. Мен шахсан шундай деб биламан...*

– *Боқижон ака, – деди қиз уялиброқ, – бир нарсани сиздан сўрамоқчи эдим: биз синфда Чеховнинг “Уйқу истаги”ни ўқидик, гўдакни ўлдирган қизни суд қилмоқчимиз. Даъвогар гўдакнинг онаси – Раҳима бўлади, қораловчи – Шарифжон. Судьялар ҳам бўлади. Мен қизни оқлаб, бутун гуноҳни унинг хўжайинига, ёш қизни бу қадар эксплуатация қилган кишига қўймоқчиман ... Шу тўғрида сизнинг фикрингизни билмоқчиман. Чехов шундай демоқчи эмасми?*

Ўртоқ Бақоев ўйлаб туриб, сўради:

– *Нафис адабиёт дарсини сизларга ким беради? Ҳақимов? Аҳмоқ одам! Ўз устида ишламайди. Савол аломати ҳамма вақт “ми” дан кейин қўйилади десам кулади. Гап бунда ҳам эмас...*

– Чеховми? Хмм... буржуазия реализми тўғрисида сўзлаганда энг аввал унинг объектига диққат қилиш керак. Буржуазия реалистлари тушунган, улар акс эттирган объектив воқеликни англаш лозим бўлади. Турган гапки, Чеховнинг ижоди бошдан-оёқ бутун моҳияти билан илк буржуазия реализми, яъни... хмм... (А.Қаҳҳор)

Ушбу матнда техникум, рабфак, канцелярия, практикум, суд қилмоқ, даъвогар, қораловчи, судья, оқламоқ, эксплуатация қилмоқ, нафис адабиёт дарси, буржуазия реализми, буржуазия реализми объекти, буржуазия реалистлари, объектив воқеликни англаш, илк буржуазия реализми каби ижтимоий фанларга оид қатор терминлар қўлланган. Бу терминлар бадиий матнда гарчи ўз маъносида қўлланган бўлса-да, илмий услубга хос муҳит, илмий вазиятни ҳосил қилмаган, балки бадиий матнда услубий хосланиш хусусиятини намоён қилган.

Мирмуҳсиннинг “Меъмор” романидан олинган куйидаги парчада қўлланган терминлар ҳам матнда илмий муҳитни яратишга қаратилмаган:

– Бади қизим, шогирдларимдан бирини чақириб беролмайсанми? Дафтарини, тошқалам билан жозварини ҳам ола келсин...

Меъмор дафтарга ҳандасавий чизиқлар чизиб, шогирдларига нималарнидир тушунтирарди. Учбурчаклар ва уни кесиб ўтувчи тўғри чизиқлар бурчагига рақамлар қўйиб кўрсатарди. Меъморнинг ҳаяжонланиб айтаётган “мислсиз қаср” тасвири ва ҳандасавий ҳисоблари шогирдлар наздида афсонага ўхшарди. (Мирмуҳсин)

Ушбу матнда меъморчилик соҳасига оид соф терминлар қўлланганини кўриш мумкин. Бу терминлар ўз маъноларини сақлаган ҳолда бадиий асарга киритилган. Аммо айрим ўринларда бошқа тил воситалари билан бирга келиб, бадиий услуб материалига айланганлигини сезиш мумкин. Масалан, “мислсиз қаср” тасвири ва ҳандасавий ҳисобларнинг афсонага ўхшатилиши терминлар иштирокида тузилган жумлага лингвопоэтик руҳ бағишлаган: Меъморнинг ҳаяжонланиб айтаётган “мислсиз қаср” тасвири ва ҳандасавий ҳисоблари шогирдлар наздида афсонага ўхшарди.

Таҳлиллар натижасида айтиш мумкинки, ижтимоий-гуманитар фанлар терминлари ҳам, бошқа илмий терминлар каби, сўз санъаткорларининг муайян мақсади асосида бадиий матнга олиб кирилади ва ушбу жараёнда бадиий услубга хосланиш белгисига эга бўлади.

4- бобнинг учинчи бўлими **“Турли соҳа терминларини бадиий матнда бирга қўллашнинг лингвопоэтик жиҳатлари”** деб номланган.

Ижодкор бадиий матн яратишда терминлардан фойдаланар экан, уларни бадиий услуб қонуниятларига бўйсундиришга ҳаракат қилади. Бу жараёнда ижодкорга экспрессивликни ифодалаш имконияти кенг бўлган терминлар қўл келади. Лекин бу хусусият барча терминларга ҳам хос деб бўлмайди.

Бадиий матнда қўлланган терминлар китобхон кўз ўнгида, аввало, ахборот бериш вазифаси билан намоён бўлади. Шунингдек, терминлар нутқнинг таъсирчанлигини таъминлашда жуда катта имкониятга эга.

Айниқса, турли соҳа терминлари бадиий матнда бирга қўлланганда уларнинг поэтик актуаллашиш имкониятлари янада кенгайди. Масалан:

Аччиқ ел узоқ йиллар юкини елкасида ташиб, қавс каби эгилган шу қари гавданинг бир уюм пахта каби соқолларини тарайди. (Ғ.Ғулом)

Матнда *елка*, *гавда* анатомик терминлари; *қавс* математик термини, *пахта* қишлоқ хўжалиги термини қўлланган. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу терминлар бадиий матнда илмий услуб муҳитини ҳосил қилмаган. Ушбу терминларнинг баъзилари матнда кўчма маъно касб этиб, образлиликни ҳосил қилган бўлса, айримлари ўхшатишли қурилма таркибида келиб, лингвопоэтик қимматга эга бўлган. Хусусан, *елка* термини ел (шамол) га нисбатан қўлланиб (*ел елкасида ташиб*), кўчма маъно касб этган. Натижада ўзига хос образли ифода юзага келган. *Қавс* термини эса гавдага нисбатан қўлланиб, ўхшатишли қурилмани ҳосил қилишда иштирок этган: *қавс каби эгилган шу қари гавда*. Бундай ўхшатишли қурилма китобхон кўз ўнгида қари инсоннинг эгилган қоматини гавдалантиради. *Пахта* каби соқоллари ўхшатишли қурилмасида эса қишлоқ хўжалигига оид *пахта* термини ўхшатиш эталони вазифасини бажарган. Кўринадики, Ғ. Ғулом биргина матнда лингвопоэтик мақсад ифодаси учун турли соҳа терминларидан маҳорат билан фойдалана олган.

Умуман, ижтимоий-гуманитар, аниқ ва табиий фанлар терминларининг услубий хосланиш имконияти бир хил эмас. Уларда ифодаланган услубий маъно ҳам ўзгачадир. Аммо бу соҳалар терминлари матнда бирга қўлланар экан, ўзига хос образли тасвирни ҳосил қилишда муҳим ўрин тутаяди.

ХУЛОСА

1. Фойдаланиш доираси илм-фан, техника соҳаси билан чегараланган терминологик тизим бирликлари тил тизимининг бошқа микротизимлари билан чамбарчас алоқага киришувчи бутунлик саналади.

2. Терминлар ва касб-ҳунар лексикаси тил эгаларининг лисоний онги ҳосиласи сифатида миллий-маданий хусусиятларни намоён қилиши билан бирга, бадиий матнда қўлланиб, лингвопоэтик қимматга эга бўлади. Терминларга қараганда касб-ҳунар лексикасида миллий-маданий хусусият ёрқинроқ акс этади. Термин ва касб-ҳунар лексикаси қатнашган матнлар оламнинг лисоний манзарасини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

3. Муайян илм-фан, техника доирасидаги маҳсус тушунчаларга нисбатан қўлланувчи терминлар шу соҳалар бўйича жамоа онгида шаклланган марказий концептларнинг лисоний ифодачиси ҳисобланади. Демак, концепт тилда нафақат айрим сўз ва иборалар, гап ва ундан йирик синтактик бутунликлар, балки илмий мушоҳада маҳсули бўлмиш терминлар орқали ҳам воқеланади.

4. Терминларни матн таркибида таҳлил қилиш уларнинг матний қуршовда намоён бўлувчи семантик-структур, мантикий ва бадиий-эстетик моҳиятини, бошқа нутқ услубларига хосланиш хусусиятларини аниқлашга

имкон яратади. Шу сабабли мазкур бирликларни фақат гап доирасида эмас, балки ундан катта бутунлик, яъни матн доирасида ўрганиш мақсадга мувофиқ.

5. Турли тилларда муқобилсиз лексика таркибига кирувчи термин-реалиялар мавжуд бўлиб, уларни лингвомаданиятшунослик аспектида махсус ўрганиш нафақат тиллар, балки турли маданиятлар орасидаги ўзига хос жиҳатларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

6. Лингвомаданий хусусиятга эга терминлар лингвомаданий бирликлар сифатида муайян халққа хос илм-фан, маданият, санъат кабиларни акс эттиради. Шу сабабли бундай терминлар ўзга тил эгаларида шу халқ маданияти, илм-фани, техникаси ҳақида тасаввурларни ҳосил қила олади.

7. Терминларнинг лингвопоэтик имкониятлари фанлар кесимида олинганда турлича бўлади. Аниқ фанлар доирасидаги терминлар фақат бир маънода келиб, бир тушунчани ифодалайди, аммо ижтимоий фанлар тизимидаги терминлар бадиий матнда қўлланганда экспрессив-эмоционалликни ифодалашга хизмат қилиб, асарнинг бадиий-эстетик қимматини оширишга хизмат қилади.

8. Терминлар бадиий матнда қаҳрамонларнинг нутқини индивидуаллаштириш воситаси сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Бу вазифада терминлар энг кўп қўлланадиган лингвопоэтик воситалардан бири саналади. Ёзувчи персонажлар нутқига терминларни киритиш орқали уларнинг дунёқараши, интеллектуал савияси, касб-кори, воқеликка муносабати кабилар ҳақида ахборот беради.

9. Терминлар ҳар қандай матнда, ҳатто илмий матнда ҳам метафорик мазмун касб эта олади. Шунингдек, терминлар шеърӣй матнларда ўзига хос бадиий тасвир воситаси сифатида қўлланиб, поэтик жиҳатдан энг аҳамиятли бирликка айланиши мумкин.

10. Илмий услубга хос ва, асосан, ўз маъносида қўлланувчи терминлар бадиий матнда баъзан ўхшатишли қурилмалар таркибида келиб ёки ўхшатишни ҳосил қилувчи воситаларни қабул қилиб, эмоционал-экспрессивликка эга бўлади.

11. Термин-ўхшатишлар энг кўп қўлланилаётган бадиий тасвир воситаси сифатида нутқнинг деярли барча услубларида кўп учрайди. Техника ва интернет асри ҳисобланган ҳозирги даврда терминларнинг ўхшатишли қурилмаларни ҳосил қилишда қўлланиши янада фаоллашганлиги кузатилади.

12. Метафора мураккаб ва серқирра номинация ҳодисаси бўлиб, нутқ услубларининг барчасида кузатилади. Ўзбек терминологик тизимида ҳам метафора бевосита амал қилади. Метафора турли фанлар терминларининг юзага келиши ҳамда терминлар лингвопоэтикасида алоҳида аҳамиятга эга. Ижодкорлар бадиий матнга метафорик маъноларда қўлланган терминларни киритиш орқали асарнинг лингвопоэтик салмоғини оширишга эришадилар.

13. Терминлар илм-фан, техника соҳасига махсуслашган бўлса-да, умумтил доирасида кенг қўлланилиш даражасига етган бўлса, бадиий матнда

айрим семалари асосида эпитет ҳосил қилиш имкониятига эга бўлади ва образли тасвир объектига айланади.

14. Бадиий асарда ўзига хос сифатлашлар вазифасида қўлланган терминлар матннинг ҳиссий таъсир кўрсатиш имкониятларини кенгайтириб, поэтик актуаллаштирувчи воситага айланади.

15. Эскирган терминлар бадиий асарда муаллиф томонидан лингвопоэтик мақсадларда ўз ёки кўчма маъноларда қўлланилиши мумкин. Улар бадиий асарга кўпинча тарихий давр руҳини сингдириш, персонаж нутқини индивидуаллаштириш мақсадида киритилади.

16. Бадиий асарларда кулги қўзғатишга хизмат қилувчи махсус бирликлар яхлит ҳолда комик тасвирни ифодалаш вазифасини бажаради. Бу ҳолатда баъзан қўлланилиши маълум услуб (илмий услуб) доирасида чегараланган терминларга ҳам кулгили ҳолатларни тасвирлашда муайян вазифа юклатилади. Натижада терминлар комик тасвир воситасига айланади.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. Если роль терминов в создании терминологических словарей впервые была изучена в мировой лингвистике, то в последние годы, особенно с начала XXI века, изучение языковых систем на основе когнитивных, лингвокультурологических, прагмалингвистических, социолингвистических, психолингвистических принципов стало более важным. Лингвистическая система возникла как лингвистическое исследование, которое было описано как многогранный феномен, отражающий знания лингвистов о реальной действительности, языковом сознании, национальных традициях, духовности, ценностях и менталитете. Уточнение проблемы термина и его методологического статуса, создание лингвокультурологической интерпретации отраслевой терминологии, проблема лингвопоэтической актуализации терминов в художественном тексте - сегодня в центре внимания.

В мировой лингвистике особое внимание уделяется изучению функционально-методологической и художественно-эстетической природы языковых единиц в контексте текста, а также их связи с мировоззрением, национальным мышлением и психикой отдельных представителей лингвистики. Проблема исследования лингвокультурологической функции в терминах, основанных на принципах антропоцентрического подхода, до сих пор не решена. Такой подход к языковым исследованиям, особенно в когнитивном, лингвокультурологическом, социолингвистическом аспектах, широко используется. Работа, проводимая в этих областях, исследует особенности личности, национальные и культурные ценности общества, к которому он принадлежит, проблемы языкового выражения социальных и политических событий. В результате изучения языковых единиц применительно к контексту, состоянию речи, знаниям говорящего и слушателя о внешнем мире были сделаны определенные научные выводы о языковых проявлениях черт личности.

С первых лет независимости Узбекистана вопросы духовно-просветительских реформ, воспитания духовной зрелости стали одними из приоритетов государственной политики. Особенно в последние годы внимание к родному языку и его всестороннему развитию, которое является основой концепции духовности, значительно возросло. «В условиях глобализации актуальной задачей является сохранение чистоты нашего национального языка, увеличение его словарного запаса, создание узбекских альтернатив современным терминам в различных областях, обеспечение их

единообразного использования»⁴⁷. Эта потребность во всестороннем развитии узбекского языка на научной основе предполагает необходимость дальнейшего расширения исследований в антропоцентрической парадигме, таких как описание лингвопоэтических и лингвокультурологических особенностей терминов в художественном тексте терминов с национально-культурным семантическим и поэтическим смыслом. нагрузка на коммуникативном и семантико-лексическом уровне.

ПФ-5850 Президента Республики Узбекистан от 21 октября 2019 года «О мерах по кардинальному повышению престижа и статуса узбекского языка как государственного», ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по Дальнейшее развитие Республики Узбекистан », Постановление № ПФ-6084 от 20 октября 2020 года « О мерах по дальнейшему развитию узбекского языка и совершенствованию языковой политики в стране », Постановление Кабинета Министров № 984 от 12 декабря. , 2019 «Об утверждении Положения о Департаменте развития государственного языка» Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации задач, поставленных в других положениях, связанных с деятельностью.

Соответствие исследования приоритетам развития науки и технологий республики. Данное исследование проводилось в рамках первого приоритета развития науки и техники республики I. «Духовное, нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных исследований по теме диссертации.⁴⁸ Исследования особенностей терминов в лингвистике, их лингвокультурологических аспектов, семантики и прагматики широко изучаются в ведущих мировых исследовательских центрах и высших учебных заведениях, в том числе в Мангеймском университете (Германия); Калифорнийский университет, Гарвардский университет (США), Московская школа семантики (Россия); Саутгемптонский университет (США); Оксфордский университет (Англия); Колорадский университет (США); Воронежский педагогический университет (Россия); Национальный университет Узбекистана, Институт узбекского языка, литературы и

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганиниг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи //Халқ сўзи, 2019 йил, 22 октябрь.

⁴⁸ www.dissercat.com, www.philol.msu.ru, www.myfilology.ru/semantika/moskovskaya-semanticheskaya-shkola, www.ucla.edu, www.harvard.edu, www.mannheim.de, www.msu.ru, www.usyd.edu.au, www.vspu.ac.ru, www.umn.edu, www.berkeley.edu, www.academia.edu, www.udsu.ru; www.pi.sfedu.ru, www.bsu.ru, www.libguides.usc.edu, www.diva-portal.org, www.education.com, www.ox.ac.uk, www.colostate.edu, www.csun.edu

фольклора, Кокандский государственный педагогический институт (Узбекистан).

Роль терминологии в языковой системе, построение терминов и их применение в произведениях искусства в результате научных исследований терминов и их особенностей в мировой лингвистике (Гарвардский университет, США); их прагматический аспект и стилистическая функция терминологической лексики (Университет Колорадо, США); терминологические вариации в юридическом и административном языке, использование терминов в разговорной речи (Университет Мангейма, Германия); лингвокультурологические особенности терминов (Московская школа семантики, Россия); использование научных терминов в художественном стиле (Всероссийский институт научной и технической информации РАН, Россия) анализирует особенности терминов в поэзии (Национальный университет Узбекистана); ономаσιологические особенности терминов (Брянский государственный университет); семантическая и лексикографическая интерпретация терминов (Тюменский государственный университет); Примечательно, что лингвопоэтические и лингвокультурные особенности терминов (Институт узбекского языка, литературы и фольклора) последовательно изучаются в лингвистике.

В мировой лингвистике исследования ведутся в области современной терминологии, в том числе по следующим приоритетным направлениям: лексико-семантическое изучение терминов; изучение терминов в текстовом контексте; особенности терминов в художественном тексте; лингвокультурологические аспекты терминов; выделение возможностей межметодологической адаптации научных терминов; ономаσιологическое изучение терминов; семантическая и лексикографическая интерпретация терминов; антропоцентрическое изучение терминов; семантика юридических терминов; лингвопоэтические особенности военных терминов; возможности психологических терминов в художественном тексте; особенности терминов в фантастических произведениях; термины газетного языка; сравнительный анализ русских и английских терминов; лингвистические особенности построения терминов; роль экономических терминов в формировании выражений.

Степень изученности проблемы. Хорошо известно, что в лингвистике было проведено множество исследований, чтобы прояснить различные аспекты полевых терминов. Достойный вклад в развитие терминологии внесли лингвисты Г.О. Винокур, Д.С. Лотте, А.А. Реформатский, О.С.

Ахманова, В.П. Даниленко, А.В. Суперанская.⁴⁹ Ряд важных научных работ по узбекской терминологии был проведен с 1950-х годов. Эффективными работами в данной области можно отметить исследования лингвистов С.Ибрагимова, С.Усманова, С.Акобиров, А.Ходжиева, Н.Маматова, Р.Дониёрова, А.Мадвалиева.⁵⁰ Вместе с тем, вопросы лексики узбекского языка отражены в таких исследованиях и учебниках, как «Современный узбекский литературный язык»⁵¹, «Лексикология узбекского языка»⁵².

